

Улуғбек ҲАМДАМ



**ЎЗБЕК ВА ЖАҲОН
АДАБИЁТИГА ЧИЗГИЛАР**

УЎК821.512.133.09+821.09(100)

КБК 83.3(5Ў)+83.3(0)

Х 24

Улутбек ҲАМДАМ, ЎЗБЕК ВА ЖАҲОН АДАБИЁТИГА
ЧИЗГИЛАР: Монография, – Тошкент : “QAMAR MEDIA”,
2025. – 708 б.

Ушбу китоб ўзбек ва жаҳон адабиёти тадқиқига бағишланган бўлиб, ундан кўплаб илмий-таҳлилий мазмундаги мақолалар ўрин олган. Мумтоз адабиётимиздан Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” дostonи тадқиқига тўхтанилган бўлса, қолган барча мақолаларда Янги ўзбек адабиёти босқичлари – жадид, совет, мустақиллик даврининг етакчи хусусиятлари ҳақида сўз юритилиб, асосий сиймолари ва асарлари таҳлилга тортилган. Шунингдек, жаҳон адабиётининг замонавий муаммолари, уларнинг айрим муҳим сиймолари ва асарлари ҳам илмий тадқиқ этилган. Бундан ташқари, китобдан дунё адабиётининг катта билимдони, устоз Талъат Солиҳов маърузалари ҳам ўрин олган.

Масъул муҳаррир:

Дилмурод Қуронов,

филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Боқижон Тўхлиев,

филология фанлари доктори, профессор,

Қурдош Қахрамонов,

филология фанлари доктори, профессор

Нашрга тайёрловчи: Муҳаммад Собир

Ушбу тўплам Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти

Илмий кенгаши йигилишининг 2025 йил 17 ноябрдаги

09-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган

© Улутбек Ҳамдам

ISBN: 978-9910-8332-2-9

Тошкент: “QAMAR MEDIA”нашриёти, 2026

МОНОГРАФИЯ. ЖАДИДЧИЛИК ВА АДАБИЁТИ

Galaxy A55 5G



ИСМОИЛ ГАСПРИНСКИЙ

(ГАСПРАЛИ)

(1851 - 1914)



Исмоил Гаспринский (Гаспрали) сиёсат ва жамоат арбоби, ёзувчи, таржимон, маърифатпарвар муаллим, ношир, диссидент, мусулмон ва турк оламида ғоят таникли мафкуравий етакчи. “Таржимон” газетаси ва “Усули жадид” таълим тизими асосчиси. Турк дунси бирлиги ва ягона туркий тилда сўзлашиш, ягона туркий адабий тилда ёзиш ғояларини, “тилда, фикрда ва ишда бирлик” шиорини илгари сурган бетакрор олим.

Забардаст ўзбек олими, профессор Б. Қосимов И. Гаспринскийни “Учинчи муаллим” деб атайдики, бу таъриф улкан маърифатчи сиймосига берилган жуда катта ва тўғри баҳодир: “Кўхна Шарқ Арастуни “Биринчи муаллим” деб таниган эди. Ўрта Осиё уйғонишини бошлаб берган Форобий “Муаллими соний” сифатида тарихга кирди. Замонлар айланиб, тўрт-беш асрли турғунлик ва тутқунликдан сўнг туркий оламнинг ўзлигини англашдек жараён бошланди. Бунини мутахассислар “миллий уйғониш” деб атамоқдалар. Унинг иккинчи номи ҳам бор – “жадидчилик”. XIX нинг охири XX аср бошларидаги Русия мустамлакачилиги зулмини бошдан кечираётган туркий халқлар уйғонишининг бошида турган тараккийпарвар зиёлилар синфини тарбиялаб етиштирган Исмий Гаспринский (Гаспрали) эди. Шунга кўра, уни “Учинчи муаллим” десак муболаға бўлмас”¹.

Чиндан ҳам Амир Темур давридан сўнг туркий дунёда, айниқса, Марказий Осиё ўлкаларида умумий бир чўкиш кузатилади. Албатта, Усманийлар давлати XIX асрга қадар туриб берди. Бироқ, барибир, Усманийлар ҳам кўхна Шарқнинг бир парчаси сифатида яшади. Жадидлар билан бирга мусулмон дунёсига, жумладан, туркий дунёга кириб келган уйғониш эса жаҳоншумул мазмун ва шаклга эга эдики, унинг бошида турган “Учинчи муаллим” – Исмоил Гаспринскийнинг хизмати ҳадсиз улуг.

И. Гаспринскийнинг тарих, мусулмонлар ва туркий дунё, қолаверса, инсоният олдидаги хизматлари шунчалар улканки, 1910 йилда номзоди “Тинчлик борасида халқаро Нобель мукофоти”га тавсия этилган эди².

Ўзбек жадидчилиги отаси Маҳмудхўжа Бехбудий устози Исмоил Гаспринский ҳақида “Русиядаги бутун турк, татар халқларини жуда оз



тарихий муддатда хайр-хўшлик йўли билан яхлит бир миллий оиллага бирлаштирмоққа ноил бўлди”³ (тўғрироғи, шу мақсадда ҳаракат қилди) деб ёзади, бас, бу баҳо ҳам учинчи муаллим хизматларини тўғри акс эттира олади.

Дарҳақиқат, Гаспринский шундай бир хизматни амалга оширдик, бунинг учун у даврни, унинг табиати ва талабини, тарихий вазиятни чуқур идрок қилган, шулардан келиб чиққан ҳолда, унга янги ғоя тақлиф қила олиш даражасида билим ва маърифатга эга бўлиши шарт эди. Улуғ маърифатпарвар жадидчи ана шу даражадаги инсон бўлиб етишди, тўғрироғи, ўзини шундай етиштирди. Хўш, Исмоилбек бу даражага қандай эришди?

Гаспринский 1851 йил 21 мартда Ажикўй – овчилар қишлоғида туғилди. Ота-боболари шу қишлоқнинг ёнгинасида жойлашган Гаспра қишлоғидан бўлгани учун ҳам Исмоилбекнинг тахаллуси Гаспрали, Гаспринскийдир. У дунёда кўпроқ “Гаспринский” тахаллуси билан танилган. Отаси Мустафобек рус князига таржимон бўлиб ишлаган, кейинроқ дворян мартабасига қадар кўтарилган. Қрим уруши бошланганда (1853й.) Гаспралининг оиласи Боғчасаройга кўчиб ўтади. Ёш Исмоилбек онаси Фотима ва энагаси Ҳабиба тарбиясида улғаяди. Дастлаб эски мактабда, кейин гимназияда, ундан сўнг ҳарбий ўқув юртида таҳсил олади. 13 ёшида эса ўқишни Москвадаги гимназияга кўчиради. У ерда таҳсилни якунлаб, Боғчасаройга қайтади ва Симферополь Эрлар гимназиясига ўқиб, рус тили ўқитувчиси бўлиб етишади ва мадрасада шу тилдан дарс беради. 1871 йилда ўқишни давом эттириш истагида Францияга боради. Парижда рус ёзувчиси И. Тургенов билан танишиб, унинг қўлида ассистент-котиб бўлиб ишлайди. Французчани ўрганади, ҳатто муайян идораларда таржимон бўлиб меҳнат ҳам қилади. Айни пайтда, Сарбонна университетида таҳсил кўради. Испания ва Туркияга саёҳат қилади. Истанбулда яшайдиган амакисининг уйида узок вақт қолиб кетади. Ниҳоят, 1876 йилдагина Боғчасаройга қайтиб келади.

Кўринадики, Гаспринский қарийб 4-5 йил давомида дунё кезган, “манаман” деган Сарбонна университетида ўқиган, таржимонлик қилган, олам ва одам таниган. Буларнинг натижасида Исмоилбек туркий ўлкаларнинг жаҳоннинг илғор мамлакатларидан мисли кўрилмаган даражада орқада қолиб кетганини англаб етади. Бу англаш эса, уни енг шимариб ишга киришишга ундайди: ишни ўз ўлкасини, туркий ва мусулмон дунёсини илғор халқлар қаторига олиб чиқиш режасини тузишдан бошлайди. Илк иш таълимни ислоҳ қилиш бўлади. Бироқ,

¹ Гаспринский И. Ҳаёт ва мамот масаласи. – Тошкент: Маънавият, 2006. Б.3.

² “Ревю де монде мусулман”. Журн. Франция. 1910.

³ Қосимов Б. Танланган асарлар. Уч жилдлик, II жилд. – Тошкент: Маънавият, 2022. Б.209.

кутилганидек, Исмоилбек дастлаб катта қаршиликларга дуч келади, ҳатто маълум муддат фаолиятини ўзгартиришга мажбур бўлади ва шаҳар ҳокими сифатида Бокчасарой шаҳрини обод қилиш ишига бош қўшади (1878-1884). Бу ҳам унинг ҳаётида яна бир тажриба йўлини очади.

Нихоят, босиб ўтилган йўллар, ўқишлар, изланишлар, муҳокамаю мушоҳадалар Исмоилбекни газета нашр қилишга ундайди. 1883 йил 10 апрелда машҳур “Таржимон” газетасининг илк нусхаси босмадан чиқади. У турли йилларда яна “Хотин”, “Эълон варақаси”, “Алами нисвон” (“Аёл олами”), “Тарбия”, “Миллат” деган номларда турли газета ва журналлар ҳам таъсис этади.

“Таржимон” газетаси орқали Гаспринский ғоялари Қрим, Урал-бўйи, Хива, Бухоро, Қўқон хонликларида ёйилади. Газетанинг ўзи шу жойларда, яна Эрон, Хитой, Туркия, Миср, Франция, Болгария, АКШ, Швейцария ва Оврупанинг бошқа мамлакатларида тарқалади. “Таржимон” материалларидан “Замон”, “Сабоҳ”, “Иқдам”, “Ғайрат”, “Диккат”, “Хидмат”, “Қаир”, “Нил”, “Ахтар”, “Ватан” каби дунёнинг ўнлаб нашрлари фойдаланади. Шунингдек, Исмоилбек 1906 йилда “Ҳа-ха-ха” номли юмористик журнал чиқаришга рухсат олади.

Гаспринский 1907-1908 йилларда Мисрда “Ан-Нахда” (“Уйғониш”) номли газетанинг бир қанча сонларини нашр қилдиради. Буларнинг ҳаммаси унинг нақадар катта ҳудудда жуда хилма-хил мазмун ва шаклдаги маърифатпарварлик ишларини олиб борганини кўрсатади. Гаспринский “Таржимон” газетасида Бокчасаройда 1884 йили илк бор “усули жаҳид” мактабини очиб, ушбу мактабда юритилаётган педагогик фаолият ҳақида ёзади.

Шу учун ҳам айнан у туфайли туркий дунёда жаҳидчилик туғилди, ёйилди, кучга тўлди, дейиш мумкин ва керак. Бу дегани шуки, жаҳидчилик ғоялари одамларнинг дунёга янгича қарашини белгилаб берди. Энди эскича яшаш мумкин бўлмай қолган, бас, янгичани ҳаётга тадбиқ қилиш, бундай қилиш учун эса билим керак эди. Бу инқилобий ўзгаришлар даври эди. И. Гаспринский амалга оширган иш ҳам инқилобий мазмун ва салмоққа эга. Бундай ишни амалга ошириш учун инсоннинг истеъдоди давр билан ҳамоҳанг келмоғи талаб этилади. Гаспринский, шунингдек, Бехбудий, Авлоний, Ҳамза, Фитрат, Чўлпон каби Туркистон жаҳидлари ҳам янгиланишлар палласида туғилган анай шундай улуғлар бўлиб, буларнинг ҳам интилишлари давр эврилишларига ҳамоҳанг тушди.

Ҳап Туркистон жаҳидларига бориб боғланган экан, айтиш жоизки, ушбу фаолият бевосита Гаспринскийнинг номи билан боғлиқ. Зеро, туркистонлик янгиланганлар Гаспринскийнинг ўзларининг маънавий отаси, йўлбошчиси деб билган. Жаҳид даврини чуқур ва атрофлича

ўрганган академик Наим Каримов “XX аср адабиёти манзаралари” номли салмоқчи тадқиқот китобида ёзади: “Исмоил Гаспринский ўз газетаси (“Таржимон” назарда тутилади – У.Х.) орқали Туркистонга янги давр ғояларининг қилишига имкон туғдирибгина қолмай, 1893 йили ўзи ҳам Самарқанд ва Бухорога келиб, М.Бехбудий ва А.Шакурый сингари миллатнинг пешқадам кишилари билан танишди. Ҳатто Бухорода “усули жаҳид” мактабини очди. Секин-аста Самарқанд, Қўқон, Тошкент, Андижон сингари шаҳарларда ҳам жаҳид мактаблари ташкил этила бошлади. Санокли бўлса-да, дастлабки жаҳидлар пайдо бўлди”⁴.

Демак, Туркистонда жаҳидчилик фаолиятининг пайдо бўлиши ва қадам ташлаб юриб етиши бевосита И. Гаспринскийнинг хизматларига бориб тақалади.

Шундай қилиб, Туркистонда жаҳидчилик пайдо бўлишида ижтимоий тарихий шароит ва ўзбек маърифатпарлари ижодидан ташқари, учинчи омил – янги, илғор ғояларни тарғиб қилган матбуот – газетачилик муҳим роль ўйнади. Газетачилик ҳам, биринчи галда, И. Гаспринский номи билан боғлиқ. Улуғ маърифатпарварнинг Туркистонга, унинг илғор қарашли ойдин кишиларига таъсири шунчалар катта бўлганки, у вафот қилганда (1914 йил 10 сентябрь) издошлари ўз қайғуларини ўтлиғ сўзларга кўчиришади: Бехбудий мақола, Авлоний, Айний, Сиддиқий Ажзий, Тавалло шеър ёзади. Бехбудий “Исмоилбек ҳазралари” номли (“Ойина”, 1914 йил 4 октябрь) мақоласида “Русия мусулмонлари ичинда мундай бир зот келган йўқдур” дейди. Ҳамза эса “Явмул-вафот” сарлавҳали (“Садойи Фарғона”, 1914 йил 24 сентябрь) мақола ва “Марсия” номли (“Садойи Фарғона”, 1914 йил 28 сентябрь) шеър битади. У шеърда миллатга мурожаат қилиб, Масих қўққа учди, таналар жондан жуда бўлди, дея ўз қайғусини образли ифода қилади:

*Оҳ, миллат, етди бу дам қайғулик, ғамлик замон,
Тегди оғзинга ҳалокат тоши, эмди тўла қон,
Дод қил даври фалакдан, ботди хуриди жаҳон,
Мотам айла, оғласун аҳволинга ҳар инсу жон,
Қўқ сари учди Масихо жисмлар жондан жудо,
Яъни такрори тараққий мурғи шабхондан жудо*⁵.

Туркистонлик маърифатпарварлар улуғ устозни нафакат газета ва китоблар орқали танишган, балки у билан бевосита кўришиб, мулоқот ҳам қилишган эди. Жаҳидчилик даврининг кучли тадқиқотчиси Сирожиддин Аҳмад “Маҳмудхўжа Бехбудий” номли китобида ёзади: “Буюк муаллим, турк дунёсини ғафлатдан уйғотувчи, улуғ ислохотчи

⁴ Каримов Н. “XX аср адабиёти манзаралари”. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. Б.15.

⁵ Ниёзий Ҳ.Х. Тўла асарлар тўплами, 5 жилдлик, 4-жилд. – Тошкент: 1989. Б. 348.

Исмоилбек Гаспирли билан дастлаб қачон ва қаерда кўришгани ҳозирча номаълум. Исмоил Гаспирли илк бор 1893 филда Тошкент ва Самарқандда бўлган. Татаристондан Самарқандга келиб тургун бўлиб қолган миллионер Абдулгани Хусайнов билан учрашиб, унинг уйида турган. Бу киши янги усулдаги мактаб ҳақида эшитгани ва Самарқандда ана шундай бир мактаб ташкил этишини айтиб, Гаспирлидан ёрдам сўраган. Гаспирли ўзига ҳамроҳ бўлган Мажид Ғанизодани Хусайнов очган мактабда қолдирган. Мажид Ғанизода 40 кун мобайнида болаларга сабоқ берган ва янги усулнинг устун томонларини намойиш эта олган. Аммо губернаторликнинг ҳукми билан бу мактаб ёпилган. Бу даврда Исмоил Гаспирли яна кимлар билан учрашди, бу ҳозирча мавҳум қолмоқда”.⁶

Кўриниб турибдики, Гаспринский Туркистонга шунчаки келмаган, балки ўзи билан янги усулдаги жадид мактаби ўқитувчисини ҳам олиб келган ва маҳаллий миллионер очган мактабда таҳсилни йўлга қўйган. Гарчи кўп ўтмай мактаб ёпилган бўлса-да, унинг илк қадами мана шу тарзда Туркистон тупроқларига келиб етганлигининг ўзи катта гап. Гаспринский кейинчалик Туркистон жадидчилиги отаси бўлмиш Бехбудий билан ҳам бир неча бор кўришган, у билан узок-узок суҳбатлашган, унга маслаҳатлар берган, йўл-йўриқ кўрсатган. Шулардан биттаси 1907 йилда Нижний Новгородда юз берган. Гаспринскийнинг 1901 йилда ҳам Самарқандга келгани Бехбудийнинг 1908 йилда ёзган сўзларидан маълум: “Бундан етти сана муқаддам устод ҳазратлари Самарқандга келиб, муаллим Шакурый ва бизга меҳмон бўлиб эдилар”⁷.

Юқоридаги информациялардан шу нарса маълум бўладики, И. Гаспринский нафақат газета журнал чиқариб жадидчилик ғояларини ёйган, аини пайтда, янги усулдаги мактабларни жорий қилган ва ўзи ҳам бевосита дунё кезиб, жойлардаги ишлар билан, уларни амалга ошираётган издошу сафдошлари билан суҳбатлар курган.

Буларнинг ёнида эса, яна илмий ва бадий асарлар ёзган, таркатган. У “Оврупа маданиятига бетарафона бир назар”, “Маданияти исломия” каби ижморий-маърифий рисоалар, “Муқолаи салотин” (Султонлар суҳбати), “Фарангистон мактублари”, “Дорур-Роҳат мусулмонлари”, “Хотинлар ўлкаси” каби бадий асарлар муаллифидир. Унинг ўзи ташкил этган “Таржимон” газетасида “Миллий”, “Зиёли синфимиз”, “Русия Туркистони”, “Тоторча қизил товуш”, “Хонларга хитоб”, “Бизнинг матбуот”, “Тараққий”, “Самарқандда асари нажот”, “Тил ва лисон йили” каби ўнлаб мақолалари, шунингдек, “Туркистон генерал

⁶ Аҳмедов С “Махмудхўжа Бехбудий”. – Тошкент: Info Capital Boors, 2024. Б.83.

⁷ Исмоилбек ҳазратлари ила суҳбат. “Ойина”, 1914, 27 сентябрь, №49.

губернаторига мактуб”и чоп этилган. Гап мактуб ҳақида кетганда айтиш жоизки, Гаспринскийнинг ёш Чўлпонга жавоб тариқасида битган “Андижондан келган саволга жавоб”ини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Муҳимлик нуқтаи назаридан мактуб матнини айнан келтираемиз. Чунки унда янги ва эскининг кураши акс этган:

“Андижон собиқ Хўқанд хонлигининг муҳим шаҳарларидан бири. Ҳинд-мўғул давлати олийсининг асосчиси, қахрамон ва адиб султон Бобурнинг ватани ва ҳозирда Фарғона ўбластининг уезд марказидир. Усмонлича айтганда, қойим мақомлик макон. Ушбу шаҳардан олган ажойиб бир мактубнинг босилиши диққатга лойик, деб билдик. Соҳиби мактуб биздан ҳам гўзалроқ сўйлаганидан ёзганларини айнан нақл қиламиз.

Ёзади: “Муҳтарам устозимиз Исмоилбек жаноблари! Андижоннинг баъзи буюклари менга айтадилар: - “Сен Шалола, Турк Юрду, Шахбал, Таржимон, Вакт ва Иқбол ўқийсан. Нима учун “Мирзо Бедил” ва “Хўжа Ҳофиз”ларни ўқимайсан?” Бу саволга жавоб бўлгудек бир нарса айта олмадим. Агар жавоби бўлса, “Таржимон”да босилишини ўтиниб сўрайман. Агар жавоби бўлмаса, “бу янги адабиётни” сувга, оташга отиб, вақтим борица “Мирзо Бедил” ва “Хўжа Ҳофиз” муталаасидан бош кўтармайман. Сулаймонзода Абдулҳамид Чўлпон”.

Шундан сўнг Исмоилбек Чўлпонга жавоб мактуби йўллайди:

“Эй, менинг шўрпешона шогирдим, сенга ва сенга ўхшаганларга дарҳол жавоб берамиз... Илтимос қиламан, ҳамон адабиётни ўтда ёндирманг, сувга ботирманг! Мени “муҳтарам устоз” деманг! Ўттиз йил дарс бериб, “адабиёт”ни ёндирилиши тўғрисида эшитган бир “устоз” муҳтарам бўлмайди, ҳам устоз дейилишига ҳақки йўқ. У, у бир бадбахт муаллимдир!”

“Мирзо Бедил” Ҳиндистоннинг Шайх Саъдийси. Ёзган тамсилларида берадиган насиҳатлари, дарҳақиқат гўзал ва фойдали нарсалар. Хўжа Ҳофиз эса маълум... Уларни бир, икки, беш марта ўқинг! Уларда янги ва ёки эски адабиётга қарши айтилган бир сатр кўрсангиз, менга хабарини беринг... Улар инсон каламидан тўқилмиш улуг девонлар. Локин улар “Қуръон” эмас! Қуръони азимуш-шаъннинг қирқ жилддан иборат ўн бир турли тафсири борки, улар “Қуръон адабиёти” дейилади.

Қардошим, “адабиёт” ўтда ёқиладиган нарсалардан эмас, ружуъ ила тавба қилинг! Мирзо Бедил, Шайх Саъдий, Хўжа Ҳофиз ўқитилади, ўқитилиши керак. Лекин, уларда бўлмаган нарсаларни ўқимоқ ва ўрганмоқ керак эмасми? Улар тўрт-беш юз йил муқаддам ёзилган нарсалар: ҳозирги асрга доир бирор сўз йўқ. Бу кунни, бу



асрни билишни хоҳласангиз на Шайх Саъдий раҳбарлик қилади, на Мирзо Бедил далолат беради. Замонамизнинг тижорати, рақобати, идораси ва сиёсатидан, эҳтиёжи ва заруратидан, уруши ва талашидан хабар ва маълумот Мирзо Бедил ёки Хўжа Ҳофизда йўқ. Буларни билиш керак бўлса икболларни, таржимонларни, вақтларни, турк юрдуларни ва булардан бошқаларини ўқиш керак. Агар, керак бўлмаса, осмонга қараб, юлдуз-ларга, сайёраларга боққанингизча тураверинг! Лекин, “адабиётни ёндирманг – айб... Адабиёт сизга: – Жохил бўлинг, демас. – Сафил бўлинг, демас. – Оламга қулгу бўлинг, демас. – Дунёсевар киши бўлинг, демас. – Бошқа инсонларга нисбатан хайвон қолинг, демас. Адабиёт ўтда ёнмас, сувга ботмас. Лекин, ёндирганларни ёндирди, ботирганларни ботирди, сувга эмас, лойга, балчикка ботирди! Ботганимиз, ётганимиз оз бўлдимки, яна хоҳлайсиз? Мирзо Бедил, Ҳофиз Шерозий, Шайх Саъдий, “Тулистон” ёки “Анварул-ошикийн” хўб улуғ номлар, хўб марғуб асарлар. Улар ўқиш керак. Лекин, улар етарли эмас. Замонамиз бошқа замона, гурунгларики бошқа гурунглари. Асрнинг, замоннинг камолот ва ирфони эски адабиётда эмас, янги адабиётда бўлади. Аср, замоннинг ҳол ва садоларига қулоқ беринг. Шухратли ислом олами бу кун бир “дорул-оҷизийн, макони ғофилийн” ҳолига келган... Бу доиранинг бир маҳалласи Андижон, иккинчи маҳалласи Боғчасарой харобаларидир. Бу жавобни ҳар кимга айтишинг мумкин. Махфий эмас”. Исмоил Гаспринский, “Таржимон”, 1913 йил 27 ноябрь.

Юқоридаги улуғ маърифатпарвар, туркий халқлар жадидлари отаси бўлмиш Исмоилбек ва улуғ ўзбек жадид шоири, ҳали ўспирин Абдулҳамид ўртасидаги мактублашма жуда катта тарихий аҳамиятга эга ҳодисадир. Чунки унда кўтарилган масала ўз даврида қандай муҳим бўлган эса, бугун ҳам ўз долзарблигини асло йўқотган эмас. Бугун ҳам “адабиёт керакми, йўқми?” деган савол давр майдонида кезиб юрибди. Чўлпонни-ку тушунамиз. У ҳали ёш, тажрибасиз эди. Замон эса алғов-далғов, эски билан янги ўзаро тинмай жанг қилаётган, ғўрлик ва тажрибасизликдан ҳали мурти ҳам сабза урмаган ёш Абдулҳамид йўл тополмай қийналган, бас, ўша вақтда янги йўл бошчиси ва жарчиси бўлмиш устодга хат йўллаган эди. Токи, иккиланишлар барҳам топиб, тўғри йўлни танлаш мумкин бўлсин учун. Қолаверса, Чўлпонни мактубида адабиётни, бўлиб ҳам, янги адабиётни инкор қилишдан кўра кўпроқ, икки ўт орасида қолиб қийналган, чора тополмай чирпинган кўнгилнинг исёнлари бор.

Демак, Чўлпонга айрим катта ёшдаги, ҳурматли кишилар “нега янги наشرларни ўқийсан-у, эски адабиётни ўқимайсан?” қабалида таъна



қилишади. Бундан чиқадики, Чўлпоннинг янгиликка, янги адабиётга қизиқиши бор-у, унинг қаердан келаётгани ва замондош инсон ҳаётида тутган ўрнини тузук билмайди. Бошқа томондан эса, ота-боболари бошида кўтариб келган мумтоз адабиётни янги адабиётни ўқигандек қизиқиб ўқимайди – хатдан шу нарса англашилади. Катталарнинг таънаси ҳам шундан. Чўлпон таънадан мутассир бўлади. Чунки унинг ўз кўнглида ҳам мумтоз адабиётга нисбатан муҳаббат бор. Бўлмаса, қийналмас, Исмоилбекка мактуб йўлламас эди. Ахир, ёш Чўлпоннинг тарбиясида Шарқ мумтоз адабиётининг азим таъсири бор эди, буни у ёзган ўлмас газаллардан ҳам билса бўлади. Бироқ, айтилганидек, у ёш ва тажрибасиз эди, бас, икки ўт ўртасида қолиб изтироб чекади. Агар нима учун янги ўқишнинг жавоби бўлмаса, ундан воз кечиб, ўзимизнинг эски йўлга, кўҳна адабиётга қайтганим бўлсин, қабалида кескин сўзлар битиб, ўзига устоз деб билган Исмоилбекка мактуб йўллайди.

Ушбу мактуб яна шуниси билан аҳамиятлики, у эски ва янги ўртасидаги кураш қўламини, шунингдек, давр кишилари, айниқса, ёшларнинг улардан қай бирини танлай олмай, тараддуд ичида қолганини ҳам очик-ойдин кўрсатади.

Энди Исмоилбекнинг жавоб хатига келсак, у ўша қидирилаётган, топилиши зарур бўлган йўлни тўғри кўрсатиб беради. У йўлнинг амалдаги намунасини Чўлпон кейинчалик ҳам қидиришда давом этган ва Р. Тагорда топган. Чунки янгиланиш жараёни ҳамма соҳада кечаётган бир замон эди. Шоир “Кўнгил бошқа нарса – янгилик қидиради”⁸ дея изланиш ва кўнгил эҳтиёжини босадиган янгиликни қисман Ризо Тавфиқ ва Яҳё Камолдан, асосан эса, “улуғ ҳиндий” Рабиндранат Тагордан топгандек бўлди. Чунки янги даврнинг ўзгарган кайфияти, ижтимоий ҳаётдаги эврилишлар, масалан, “Шарқ ва Ғарб ўртасидаги олтун кўпрук” – Тагор шеърларида тўлароқ акс этган эди. Профессор Озод Шарафиддинов “Адабиёт яшаса – миллат яшар...” деб номланган мақоласида ёзади: “Чўлпоннинг 20-йиллардаги бир қанча мақолаларида тилга олинган ва “Улуғ ҳинди” мақоласида анча тўлиқ ифодаланган масала – янги ўзбек адабиётини яратиш масаласи эди. Чўлпоннинг назарида бу вазифани муваффақиятли ҳал этиш учун Тагордек буюк санъаткорлар тажрибасидан келиб чиқиб, Шарқ ва Ғарб адабиётларини синтез қилмоқ ва мазмун билан шаклнинг уйғунлигига эришмоқ керак, зинҳор-базинҳор санъатни қуруқ ғоялар мажмуасига айланиб қолишига йўл қўймаслик зарур”⁹.

⁸ Чўлпон. Адабиёт надири. – Т., Чўлпон, 1994. – Б.58.

⁹ Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Т., Шарқ, 2004. – Б.75.



Бундай катъий назар, янги йўлнинг назарий асосларини ўзбек жадид шоиридан анча йиллар бурун Исмоилбек ўз мактубида жуда ўринли кўрсатиб берган эди. “Эй, менинг шўрпешона шогирдим...” деб бошланади Исмоилбекнинг хати. Шу ерда, ушбу хитобда ҳамма жавоб бор эди. Чунки янгини нима учун ўқиш кераклиги жавобини топмаса, Чўлпон эскини сув ва ўтга отишга тайёрлигини изҳор қилган эди. “Илтимос қиламан, ҳамон адабиётни ўтда ёндирманг, сувга ботирманг!.. Адабиёт ўтда ёнмас, сувга ботмас. Лекин, ёндирганларни ёндиради, ботирганларни ботиради, сувга эмас, лойга, балчикка ботиради! Ботганимиз, ётганимиз оз бўлдимики, яна хоҳлайсиз? Мирзо Бедил, Ҳофиз Шерозий, Шайх Саъдий, “Гулистон” ёки “Анварул-ошикийн” ҳўб улуг номлар, ҳўб марғуб асарлар. Улар ўқилиши керак”.

Мана шу ерда Гаспринскийни ўтмишга бўлган, унда яратилган бадий адабиётга бўлган муносабати “манаман” дея кўзга ташланади. Ҳамда бу муносабат соғлом муносабатдир. Шу билан бирга, ўтмиш билан қолиб кетмаслик керак. Мумтоз адабиёт ўтмишни, унинг одавий ва оламий масалларини тушунмоқ учун жуда қўл келса, бугунни тушунмоқ учун бугуннинг адабиётига юз бурмоқ лозим бўлади: “Лекин улар (Мирзо Бедил, Ҳофиз Шерозий, Шайх Саъдий ва бошқ... изох – У.Х.) етарли эмас. Замонамиз бошқа замона, гурунгларики бошқа гурунглари. Асрнинг, замоннинг камолот ва ирфони эски адабиётда эмас, янги адабиётда бўлади. Аср, замоннинг ҳол ва садоларига қулоқ беринг”.

Демак, бу ерда замондош инсоннинг ўтмиш ва бугунга соғлом муносабатининг формуласи турибди. Унинг бир оёғи ўтмишда, иккинчиси эса бугунда қоим турмоғи керакки, соғлом келажакни қура олсин. Мана, Гаспринский қарашларининг кучи, аҳамияти, яшовчанлиги. Яъни у на ўтмишни кўксидан итармоқда, на бугунни. Аксинча, ҳар иккиси ҳам зарурлигини, шундагина туркий халқлар муносиб эртани барпо қила олишларини урғулаб айтмоқда. У биргина Чўлпонга эмас, Чўлпон каби фикрлаган барча-барчага, жумладан, бугунги чўлпонларга ҳам айтмоқда. Йўкса, у мактубини “Эй, менинг шўрпешона шогирдим, сенга ва сенга ўхшаганларга дарҳол жавоб берамиз...” дея бошлаб, “Бу жавобни ҳар кимга айтишини мумкин. Махфий эмас” дея якунламас эди. Зеро, Исмоилбек ёш Абдулҳамид сингари махдуд қарашда бўлиб, тўғри йўлни тополмай чирпинган миллион-миллион ёшлар, хатто катталар борлигини жуда яхши билар эди.

Демак, Чўлпоннинг Тагорни намуна сифатида қабул қилиши бирданига юз бермаган. Унгача шоир изланган, Исмоилбек сингари устозларидан маслаҳатлар олган, ўрганган, бир сўз билан айтганда, тагорларни қабул қилиш учун тайёр ҳолга келган.



Ўтмишга, унинг соғлом жиҳатларига суянган ҳолда, бугуннинг талаб ва эҳтиёжларига яраша адабиёт, илм, таълим, матбуот пойдеворларини барпо қилишга хавфсиз келажакка олиб бориши мумкинлиги жадидчилик ҳаракатининг асосларидан ҳисобланади. Бу асос илк бошдаёқ Гаспринский томонидан ишлаб чиқилган, шунингдек, унинг намуналари турли фаолият маҳсуллари билан кўрсатиб берилган эди.

Шулардан бири унинг ижтимоий-маърифий асарлари бўлиб, муаллиф “Оврупа маданиятига бетарафона бир назар” номли рисолада шундай ёзади: “Ҳозирги даврда Оврупа маданияти дунёнинг барча томонларига ёйилмоқда. Бугун бир кўп ислом ўлкалари Ғарб маданияти иштиёкида тараққий қилмоқдалар”.

Чиндан ҳам сўнгги 600 йил мобайнида Оврупа яратган моделлар асосида ривожланиб келмоқда. Буни юқоридаги эътирофдан ҳам билиш мумкин. Бироқ Гаспринскийнинг даҳоси шундаки, у ўша вақтнинг ўзида, Оврупа маданияти гуллаб яшнаган замонда ҳам унга танқидий қарай олган: “Оврупа маданияти муштарак, ягона, барча инсонларга уйғун келадиган бир маданиятми?”¹⁰ Демак, улуг жадид бутун дунёнинг кўзини қамаштирган Оврупа маданияти чиндан ҳам намуна бўларлими, дея савол қўйяпти. Ундан анча кейин, ХХI асрда академик Юрий Боров дунёни йўналтирувчи парадигма ҳозир йўқ, дея бонг уради. Буни ўзбекона айтадиган бўлсак, башарият юриши мумкин бўлган тузукроқ йўл йўқ, деганидир. Нега йўқ? Ахир, у бор эди-ку! Бу нимадан далолат? Атрофни зулмат қоплаганидан эмасми? Дунё афкор оммасининг ичига кириб бораётган қоронғиликдан эмасми? Фақат зулматгина мавжуд йўлни кўздан пинҳон тутиши мумкин. “Башар аҳлини чулғаб олган бухрон иккита уруш ва бошқа мусибатларни бошидан кечирган дунёнинг ўта хатарли ва террорга мойил бўлиб қолаётганида ўзини яққол намоён этмоқда. Совуқ урушдан кейин майдонга келган янги давр инсоният тарихида илк бор борлиқ ҳақида ҳеч қанақа формулага эга бўлмай турибди. Қаршимизда оламшумул қора тўйнуқ пайдо бўлган”¹¹. Академик яна ёзади: “Бинобарин, ҳокимиятларда стратегия йўқ, фақатгина пишиб келаётган муаммони ҳал қилувчи амалий қарорларгина мавжуд”. Совуқ ақл билан қилни қирқ ёрадиган Ғарбга, ўз ҳикматлари билан адашган рухга йўл кўрсатувчи Шарққа нима бўлди?

¹⁰ Гаспринский И. Ҳаёт ва мамонт масаласи. – Тошкент: Маънавият, 2006. Б.52.

¹¹ Боров Ю. Парадигма современной эпохи. Исторические идеалы и смыслы бытия человека и человечества. См.: Библиотека Академии (интернет материаллари).



Нега дунё тушқунликка тушмоқда?.. Эҳтимол, гап яна ўша йўлда, унга бўлган эҳтиёжнинг мавжудлигига бироқ эҳтиёжни қондириш шаклининг ҳадеганда топилмаётганида эмасмикан?.. Чунки дунё бор экан, унинг юрмоғи учун йўл керак. Қулай, фойдали ва энг муҳими, инсонни олдинга, моддий-маънавий жиҳатдан тараққиётга етаклайдиган йўл зарур. Худди шу ўринда адабиёт ўзини қандай тутади? Тўғрироғи, тутмоғи керак? Фахш, ур-сур, зулм, олди-қочди мавзулар ботқоғига ботиб, ўз ортидан инсониятни тортиб кетишга уринадими ва ёки дўппини олиб қўйиб, етти ўлчаб бир кесадими – теграсини зулмат қоплаб бораётган одамийзоднинг кўзларига бир қатим зиё бағишлайдими? Ахир, йўлни кўриш учун кўзларнинг нурга эҳтиёжи бормасми?.. Чунки бугунги дунё кечаги дунё эмас. Бугунги дунё – ҳар қачонгидан ҳам ҳимояга мухтож дунё. Айни пайтда, ундан эҳтиёт бўлишга инсоннинг ўзи мажбур ва маҳкум бўлиб турибди. Бошқача айтганда, бугун дунё инсондан, инсон эса дунёдан муҳофазаланмоғи шарт. Умидбахш адабиёт, ёруғ санъат бизга шунинг учун ҳам лозим... Исмоилбекнинг адабиёт йўналишида олиб борган бутун фаолиятини шундай изоҳлаш мумкин.

Кўриняптики, академик Ю.Борев кўрган камчиликларни Гаспринский ундан бир аср муқаддам кўриб, ечимини ҳам тўғри кўрсатиб беришти: “Оврупа маданияти ва ё насроний маданиятидан ташқари инсон ўғлига роҳат ва саодат йўқми? Янада очикроқ айтадиган бўлсак, бу маданият чиндан ҳам инсониятни саодатга қовуштирадиган маданиятми?” Гапринский ўз саволига ўзи жавоб беради: “Оврупа маданиятининг саодатбахшлигига ва ундан бошқа биронта маданият бундай бўлмажағи идаосига асло ишонмайман”.¹²

Хўш, улуғ жадид нима учун бундай хулосага келмоқда? Унинг асосли аргументлари борми? Исмоилбек Оврупани кезади, кўради, солиштиради, мулоҳаза, мушоҳада юритади. Мисол учун у Лондон шаҳрини танлаб олади. Кўпқаватли уйларни, темирйўлларни, заводу фабрикаларни кўради. Бироқ буларнинг бари бир-икки кишига хизмат қилишини, қолганлар ночор ҳаёт кечиришини айтади. Натижада капиталистик тузумни яроксиз деб топади. Бас, шундай экан, Оврупа маданиятидан танлаб олиш керак, кўр-кўрона эмас, деган хулосага келади. Жадидлар қатгаси яна кўпқаватли уйлар, университетлар, парламент, заводу фабрикаларга кириб кўради, қузатади, бироқ улардан ҳам кўнгли тўлмайди. Уларнинг барида “ахлоқ ва ҳаққоният”¹³дан баҳс этувчи юксак илм йўқ, дейди. Шунинг учун ҳам альтернатив маданият, ислом маданияти тўғрисида сўз юритади: “қисқаси, бир қарашда Оврупанинг

¹² Гаспринский И. Ҳаёт ва мамот масаласи. – Тошкент: Маънавият, 2006. Б.53.

¹³ Гаспринский И. Ҳаёт ва мамот масаласи. – Тошкент: Маънавият, 2006. Б.53.



ҳаёт ва маданияти ғоят башанг, зийнатли ва гўзал бир аёлга ўхшайди. Бироқ биз оз диққат этсангиз, шуни пайқайсизки, бу аёлнинг тишлари ясама, сочлари улама, бўлик, тикмачоқ кўкраклари пахтаванд... Ва у ҳарир либослар счилгудек бўлса, қийқимлар ва ямоқлардан тикилгани аён бўлиб қолади”¹⁴.

Эътибор беринг, бутун дунё Оврупа деганда оғзи очилиб, ортидан “миқ” этмай эргашишга уриниб ётган бир паллада И. Гаспринский ушбу маданиятнинг ўзига яраша жиддий нуқсонлари борлиги тўғрисида баралла ёзмоқда. Хўш, убуларни қаердан, қандай билмоқда? Гап шундаки, Оврупада ўша вақтлардаёқ ўз қарашларини илгари сура оладиган партиялар мавжуд бўлиб, улар минтақа ҳаётининг камчиликларини ошқора айтиб, тортишиб юрардилар. Исмоилбекнинг ўзидан эшитамиз: “Оврупа яшаш тарзининг ва маданият шаклининг эскирган, чирик асосларига суянгани ҳатто Оврупанинг ўзида жуда қўшлар томонидан билинмоқда. Бу яшаш тарзи инсон акли ва инсофининг сўнгги сўзи эмаслиги кундан кунга равшанроқ англашилмоқда”¹⁵.

Гаспринский нафақат Оврупанинг умумий маданияти ёки капитализмни, айни чоғда, энди-энди ёйилиб, кўтарилиб келаётган социализм асосларини ҳам аёвсиз танқид қилади. У Оуэн, Фурье, Сен Симон каби мафкурачилар илгари сурган баробарлик, тенглик ғоялари ҳақида шундай ёзади: “буларнинг ёзганлари амалга ошса, гўё дунёда ҳеч бир бахтсиз қолмайди, барча инсонлар баробарликда умум учун меҳнат қиладилар, роҳат кўрадилар, сафо ва завқ оладилар... Социализмга доир илгари сурилган бу фикрларнинг ғайриахлоқий бир савдоний ҳаёлдан иборатлигини, билмадим, гапиришга ҳожат борми? Менимча, йўқ. Эски усулни (капитализм усуллари назарда тутилмоқда – У.Х) ташламоқчи бўлган социалистлар ёмғирдан қочиб қорга тутилганларга ўхшайдилар. Тамоман баробарлик эмиш! Ҳам моддий, ҳам маънавий. Инсонлар яратилишда баробар яратилмайдилар-ку! Баъзимизда қувват, баъзимизда зехн кўпроқ бўлади. Мерос бўлмасмиш. Бу нима дегани?..”

Кўриниб турибдики, Исмоилбек бундан қарийб бир ярим асрлар буруноқ ҳам капитализмнинг, ҳам социализмнинг хатою камчилигини кўрган, улар тўғрисида фикр юритган. Албатта, бу ўринда унинг ҳақли тарафи бўлганидек, ҳақсиз томонлари ҳам бўлиши мумкин. Чунки бугунги кунга келиб, социализм фазилатларидан баҳра олаётган мамлакатлар талайгина. Шунингдек, капитализмнинг ҳам ўзига яраша устун тарафлари борлиги шубҳасиз. Шу билан бирга, И. Гаспринский буларнинг ўрнини боса оладиган бошқа бир маданият, бошқа бир тузум

¹⁴ Ўша асар, б.60.

¹⁵ Ўша асар, б.60.



ҳақида ҳам бош қотирганлиги алоҳида таъкидлаб айтмоқ керак. Хўш, у орзу қилган бошқа маданият, бошқа тузум қайси ва қандай эди? “Янги бир гўзал ҳаёт қаёқдан келади ва бу ҳаёт қандай асосларга қурилади? Таракқиёт йўлига кирган ислом ўлкалари ва қавмлари келажакларини қайси ибрат билан боғлайдилар? Оврупанинг изидан эргашиб, охир оқибатда социализм балоларига дучор бўладиган бўлсак, хайф бундай ғайрат ва меҳнатимизга! Ўқиб-ўқиб, “маданий” французлардек бўламизда десак, ҳаёт ҳақида ўз муқаддас гоёмизга эга бўлмасак, хайф бизларга! Инсонларнинг ўзаро муносабатларида “фойда” ва фойдадан ўзга кўзда тутадиган бир нарса йўқми? Бор! У ҳам бўлса, ҳаққониятдир! Инсонларнинг бир-бирлари билан бўлган муносабатларида “ҳаққоният” дан муҳимроқ бир нарса йўқдир. Инсон боласи ҳаётининг асоси “ҳаққоният” дан бошқа нарса бўлолмади. “Ҳаққоният” асосига қуриладиган ҳаёт ғоят мазмунли ҳаёт бўлади”.¹⁶

Бу дунёни ва ундаги жамиятлар равишини, инсонни англаш билан боғлиқ юксак даража эди. Чунки у ҳам ҳамма қатори ёки деярли ҳамма қатори Оврупа маданиятига маҳлиё бўлаётгани йўқ. Айни дамда, ундан керакли жихатларни ўрганиш ва олишни инкор ҳам қилмаяпти. У шу чокқача мавжуд бўлган тузумлар, уларда ўрнатилган тизимларни таҳлил қилиб, муайян ҳулосаларга келган кўйи, тузумлар ва тизимлардаги нуксонни аниқлапти: Ҳаққоният! Мана, уларга нима етишмаган эди, деяпти. Шундан келиб чиқиб эса, ҳаққониятни марказга қўйган ҳолда янги тузум барпо этиш лозим деяпти. Бунинг учун эса, аввало, маданият нима деган саволга жавоб бериб, уларни бир-биридан фарқлаш кераклигига “Маданияти исломия”¹⁷ мақоласида эътибор қаратади. “Маданият кишиларнинг фароғат ва омонлигининг инъикосидир. Халқнинг ёки миллатнинг маданияти нақадар юксак бўлса, унинг фароғат ва омонлиги ҳам шу қадар таъмин этилган бўлади ва аксинча”.¹⁸ У айтадики, ҳозирда Оврупа маданияти юксалиб кетган. Бироқ эскида осийликлар пахта ва шойидан кийим кийиб юрган вақтларда, оврупаликлар ҳайвон терисини ёпиниб юрганини ҳам унутмайди. Гаспринский шу тарзда фикр юритиб, ислом маданиятининг инсониятга берган яхшиликларига алоҳида ургу беради. “Оврупаликлар биз “ислом маданияти” деганимизни “араб маданияти” деб талқин қиладиларким, бу тўғри эмас. Эски замонларда барча оврупаликларнинг илм ва фанга оид асарлари лотин тилида ёзиларди... Оврупанинг ўша илм маданиятини “лотин маданияти” демок

¹⁶Ўша асар, б. 64

¹⁷Ўша асар, б. 66

¹⁸Ўша асар, б. 67



тўғри бўладими?”¹⁹ Йўқ, дейди маърифатпарвар, у Оврупа маданиятидир. Худди шундай, ислом маданияти ҳам фақат арабларники эмас, у барча мусулмонларга тегишлидир.



Шундай қилиб, И. Гаспринский ўз ғояларини нафақат мақолаларда, балки бадиий асарларда, уларнинг қаҳрамонлари орқали ҳам ёйишга ҳаракат қилади. Давр шундай эдики, жадидчилик кайфияти ва ғояларини таълим, матбуот, театр, бадиий адабиёт ва бошқа воситалар билан халққа етказиш энг муҳим вазифа бўлиб қолганди. Гаспринский ҳам ана шу воситалардан унумли фойдаланди. Унинг “Муколамаи салотин” номли мўъжаз бир асари бор. Бу асар эссе жанрига яқин усулда битилган. Боз устига, унда реаллик билан ҳаёлот қўшилиб, ўқувчини адибнинг муродида яқинлаштиради. Унинг муроди эса нима учун туркий халқлар бундай ночор, бундай ҳақир ҳолга тушиб қолгани сабабларини қидириш, топиш ва ўқувчига “мана – улар!” дея кўрсатишдир. Хуллас, “Муколамаи салотин” (Султонлар суҳбати) асари қаҳрамони Самарқандга келади. “Эски шаҳарларнинг эскиси, энг гўзал шаҳарларнинг гўзали, машҳур шаҳарларнинг машҳури, илм ўчоғи... жаҳонгирнинг буюк пойтахти, улуг шаҳарларнинг улуги, Самарқанд, салом!”²⁰

Қаҳрамон учун Самарқанда энг қадим ва энг машҳур, энг гўзал шаҳардир. Шунингдек, жаҳонгир Амир Темур “энг буюк турк давлати вужудга келтирган” ҳукмдордир. У “Садди Чиндан Ўрта Ер денгизига қадар ҳудудда истиқомат этгувчи турк давлатини ўз дасти жаҳонгиронасига олган”дир. Асар қаҳрамони Самарқандга келиб, Темур сағанасига тушади. Уни зиёрат қиларкан, Темур ва замонаси билан боғлиқ воқеаларни бир-бир эслайди. Шу ергача асар реалистик руҳда бўлса, бундан кейинги воқеалар ҳаёлий, ҳатто фантастик йўналиш касб этади. Бироқ бу усул асарнинг кимматини асло туширмайди. Зеро, жадид адабиёти шундай адабиётки, у санъатни восита қилиб, халққа айтилиши керак бўлган фикрни айтади. Яъни қандай айтишни эмас, балки нимани айтишни муҳим санайди. Улар учун адабиёт (ҳар қандай санъат тури) мақсад эмас, балки воситадир.

Шундай қилиб, қабр тоши сандиғи кўтарилиб, ичидан Темурнинг устози Саййид Барака чиқади. Сўнг у (Саид Барака) шогирди Темур қабр тоши олдида келади. Темур ҳам қабрдан туради. Саид Барака: “Ўғлим, яна замон келди” дея Темурга хитоб қилади. Бу жуда муҳим хитоб. Хўш, қандай замоннинг вақти келди? Туркий халқларнинг қаддини тиклаб,

¹⁹Ўша асар, б. 68.

²⁰Ўша асар, б. 129.



ўзлигини қайта топишу илгор халқлар орасида муносиб ўринга эга бўлиш билан боғлиқ замоннинг вақти келганди.

Кейин Усмонли давлати ҳукмдори султон Абдулазизхон, ортидан Эрон шоҳи Насриддиншоҳ, ортидан Бухоро амири Насруллохон, Миср волийси Исмоил пошо, Қошғардаги туркий давлат бошлиғи Ёқуббек, Қўқон хони Худоёрхон, Доғистон озодлик кураши раҳбари шайх Шомил кириб келишиб, қутилган мажлис бошланади. Мажлисни Амир Темур бошқаради. Демак, мажлисга турли даврларда исломий туркий давлатларни бошқарган шоҳлар, амирлар, йўлбошчилар жам бўлган. Уларнинг энг машҳури, энг кўп муваффақиятга эришгани, сира енгилмагани, кимсан, Македонский ва Чингизхон билан ёнма-ён тура оладигани, яъни Амир Темур бош бўлади. Хўш, улар жам бўлиб нимани муҳокама қилишади? Нима учун дунё ўзгардию, Оврупа халқлари улардан баҳра олгани ҳолда, мусулмон халқлари баҳрасиз қолгани муҳокама қилинади: "...бу инқилоб, бу янгиланиш биргина оврупалик кавмларга хос бўлиб қолди. Шарқия ва исломия мамлакатлари эски ҳолда қолавердилар".²¹ Темур барча йиғилганлардан муаммонинг олдини олиш учун қандай тadbирлар олганини сўраб суриштиради. Улар ўзларича жавоб беришади. Баъзан эса асл сабабни яширишади ёки хаспўшлашади. Шунда мажлисда катнашаётган шайх Жамолиддин қўлидаги қоғоздан улар йўл қўйган камчиликларни бир-бир ўқиб беради.

"Шоҳ Темур... Абдулазизхонга қайрилиб: Салоти Рум бу ҳолларга қарши қандай тадорикларда бўлди? – деди.

Сукут.

Оврупаликларни илм, мол-мулк ва сиёсий жиҳатдан кучли ва иктидорли қилган нарсаларга сиз ҳам мурожаат этдингизми?

Сукут..."²²

Шундай кейин Усмонли давлати ҳукмдори султон Абдулазизхон Темурнинг айрим саволларига жавоб беради. Уни қилдим, буни бажардим, дейди. Аммо Темур асл ҳолни билиш учун хатибга қарайди. Хатиб ўқийди: "Асрнинг салотини инқилоб замонида қарши жузъий бир ҳаракатлар қилган бўлса-да, ишларнинг юздан бири ҳам амалга ошмади. Масалан, Эрон шоҳи Насриддин... Тамом қирқ сана камоли роҳат ила салтанат сурди. Усмонли қаби роҳатсизликлар кўрмади. Лекин қирқ санада на айтарли аскар, на тараққиётга хизмат қиладиган низом еттиштирди. Явми вафотинда (вафот кунда) Эрон инглиз ва рус исканжасида ғоят ожиз, аҳолиси эса нодон ва саргардон эди".²³

²¹Ўша асар, б. 131.

²²Ўша асар, б. 232.

²³Ўша асар, б. 232.



Демак, Исмоилбек асарида Шарқия ва ислом мамлакатларининг қоқоқлиги, биринчи галда, у ердаги шоҳларнинг, раҳбарларнинг уқувсизлиги, тadbирсизлиги билан боғлиқ, дейилмоқда.

Энди Туркистон билан боғлиқ танқидга келамиз.

"Шоҳ Темур Насриддиншоҳга қаради. Бир сўз демади. Яна Хатибга кўз ташлади. Хатиб давом этди".

Демак, Хатибнинг қўлида барча ишлар – давлатни, халқни сақлаб қолиш учун қилинган ва қилинмаган барча яхши-ёмон амаллар битилган. Хатиб ўқийди:

"Бу асрда рус ҳукмдори бир тарафдан Истанбулга кўз олайтирган бўлсалар, иккинчи тарафдан Туркистон ва Мовароуннаҳр томон жиддий ҳаракат бошладилар. Туркистон хонлари ва умароси шу даражада ғофил ва беҳабар эдиларки, рус тўплари бошлари устида портлагандан сўнггина "Бу нима?" дедилар".

Ана, Туркистондаги ҳақиқий аҳвол, савия, тараққиёт даражаси! Ташқаридан ёв бостириб келяпти, лекин туркистонликларнинг бирон туки "қилт" эмайди. Боши узра тўп портлаганда эса ҳайрон бўлиб, "бу нима экан?" дейди. Гаспринский буларни ёзаётганда аламдан қуйиб кетган бўлса, ажаб эмас. У давом этади: "Лекин ғишт қолипдан кўчган эди. Рус қўшини босқичма босқич саҳроларни босиб ўтиб, қалъаларни қўлга кирита бошлаган пайтда хонлари бир-бирлари билан жанжаллашиб ётар, дарё-дарё мусулмон қони оқаётган эди. Қора қушлар келиб Тошканд, Самарқанд минораларига қўнганида, уларни учириб юбормоққа ярайдиган на бирор тўп, на бирор милтик топилмади. Ҳозирда бир начальник тўра кичкина бир чимчилоғи билан бутун Туркистонни урчиқдек айналантира олади. Русларнинг муҳосими бўлган инглизлар хонларга ёрдам ва қурол ва муаллими аскарый бермак истадилар, қабул этадиган бир киши топилмади. Ҳатто Насруллохон Бухорий икки инглиз элчисини қатл этиб, замонанинг энг кучли, энг бой давлатининг ҳафсаласини пир қилди..."²⁴

Мана, Туркистон нима учун енгилган эди.

Бир томондан шоҳлар, амиру хонлар аскарни кучайтирмади, мамлакатни ислоҳ қилмади, замон билан ҳамнафас юрмади, бошқа ёқдан эса дипломатик жиҳатдан кўр ва соқов бўлиб иш юритди. Чунончи, Бухоро амири Насруллохон ёрдам бериш мақсадида келган Англия элчиларини қатл эттирди. Боз устига, у бироз аввал Қўқон хонлигига қарши уруш қилди. Шу қаби мудҳиш жиноятлар, хатолару нуқсонлар натижасида Туркистон босиб олинди, бу ҳам етмагандек, парчаланди – Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Тожикистон

²⁴Ўша асар, б. 133.



каби кичик давлатларга бўлиб ташланди ва шу ҳолида қарийб 130 йиллик асолатда тутиб келинди, дунёнинг илғор тараққиёт йўлидан узилди.

Хўш, бу кўргиликларда фақат шоҳлару амирлар айбдормиди? Умарая уламо-чи? Ҳарбий кучлар раҳбарлари-чи? Улар сувдан чиққандек тоза ва оппоқми? Гаспринский масаланинг бу жиҳатини ҳам эътибордан кочирмайдди. Асарда Амир Темур Насруллоҳонни тергаб саволлар берганда, хон шундай жавоб айтади: “Тақсир... Кўп хатолиғлар қилганим маълум бўлди. Аммо вафотимдан сўнгра маълум бўлди... Умародан, сипоҳидан ва уламодан кўзимни очган бўлмади”²⁵.

Албатта, бу ердаги мулоқот тўқима бўлиб, муаллиф, яъни Исмоилбек тафаккурининг маҳсули ҳисобланади. Бироқ бу маҳсул ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолгани йўқ, у “нима учун бундай қолга тушиб қолдик?” деган заҳарли саволнинг аламли жавобларидан бири сифатида туғилган. Унга кўра, фақат хон эмас, балки унинг ёнида турган амалдорлар, олиму уламолар, ҳарбийлар ҳам ҳам сабабчидир. Бироқ яна бир савол туғиладики, ҳақиқат айтилган тақдирда хон уларга кулоқ солармиди? Ахир, шахрисабзлик шоир Ҳозик ҳақиқатни айтгани учун²⁶ 1842 йилда Насруллоҳон одамлари тарафидан ўлдирилмадими?..

“Муколамаи салотин” шундай асарки, унда бугуннинг ҳам муаммолари “манаман” деб савлат тўкиб турибди. Зеро, улуғ сиймоларнинг энг сара асарлари ўз даври учун ҳам, келажак замонлар учун ҳам хизмат қилаверади. Айниқса, замонлар ўтса-да, вазият ўзгармаса, муаммолар муаммолигича тураверса. Шу маънода, Гаспринский қоралаган ўша маддоҳлар, жоҳиллару калтабинлар бугун йўқми?..

Муаллиф маддоҳликни маҳв этувчи мараз деб билади. Насруллоҳон ўзини оклай бошлаганда, Амир Темур Шайх Жамолиддинга қарайди. Шайх Насруллоҳон яширмоқчи бўлган ҳақиқатларни очиб ташлайди: “Ўн учинчи аср хижрийнинг салотини ҳузуротинда умумий бир мараз бор эди. Жумласи ахвол дунёдан беҳабар ўлароқ хабар ва маълумотни биргина мадоҳин ва мадҳиячилардан олурлар эдилар. Улар эса ўз фойдаларини кўзлаб, “Сенинг каби подшоҳ йўқ!”, “Сенинг каби шавкатли йўқ!”, “Сендан кучли ҳукмдор йўқ!”, “Бутун дунё барбод, фақат сенинг ўлканг дилшоҳ!” каби мадҳиялар ила ҳукмдорларнинг орқасини қашлайлар эдилар”.

Мана, мамлакатни нима таназзулга олиб борган. Атроф тўла маддоҳ, ҳукмдор улар томонидан мадҳ этилиб, ақлу фаросати “ухлатилган”,

²⁵ Ўша асар, б. 133

²⁶ Буриди бар кади худ аз маломат, Либосе то ба домони киёмат. Маъноси: эгингга ёмонликлардан шундай бир либос тикириб кийдингки, уни киёматга қадар еча олмайсан.



сўнг юртни талаш учун ҳаракатлар бошланган. Мабодо, кимдан ким ҳақиқатни айтиб қолгудек бўлса, Ҳозик каби ўлдиртирилган. Ҳозиклар фақат Бухоро амилигида бўлмаган, улар Кўконда ҳам, Хивада ҳам бўлган. Бироқ ҳаммасининг тақдири деярли Ҳозикни каби якун топган ёки топади. Ҳатто оддий тўғри гапни, бор ҳақиқатни қайд этиш ҳам баъзан ўлим билан ниҳоя топганлиги тўғрисида яна асардан ўқиймиз: “Хўқанд бойлариндан бирининг Мақарияи Мўсқивани (Москвани – У.Х.) кўриб, русларнинг усули асқариясини ва интизомини сўзлагани учун боши кесилгани маълумдир”²⁷.

Худди шундай, Москва князи И. Грозный татар хонларини уриштириб қўйиб, сўнг уларга битта-битта ҳужум қилиб енганини айтади. Чунки улар ўзаро араз ҳолида бўлгани учун бир-бирига ёрдам бермайди, дейди Гаспринский. Бу ҳол чор Россияси бостириб келганида, икки ўзбек хонлиги ва бир амрлиги бирлашиб, ташки ёвга қарши урушиш ўрнига бир-бири билан ёвлашгани, алалокибат эса, енгилганига чунон ўхшайди. Шунингдек, Грозный энди-энди кучайиб келаётганда Истанбулнинг унинг қаршисига чиқмаганини ҳам муаллиф танкид остига олиб ёзади: “Иван Грўзний Қозон хонлигини босиб топтаётганида Истанбулда шу қадар буюк қудрат ва сиёсий нуфуз бор эдики, оддий бармоғининг бир ишораси билан Грўзнийнинг танобини тортиб қўя олар эди”²⁸.

Ушбулар имкони бўла туриб бир-бирига ёрдам қўлини чўзмаган туркийларнинг қора ўтмиши тўғрисидаги рост иқроллардир. Бундай иқроллар ўзбек ёзувчиси А. Қодирийнинг “Ўткан кунлар” ибтидосида ёзган иқролларини ёдга солади. Адиб “Тарихимизнинг энг кир, қора кунлари”дан ҳикоя қилишидан сўз очади. Шу нарса асар учун бир ниқоб бўлиб, Қодирий романда тасвирланган ўтмишни “энг кир” деб атаганининг сабаби собиқ шўро даврида ўзини ва асарни ҳимоя қилиш йўли деб қаралган. Нуктадон олим проф. У. Норматов эса бунга бошқа жиҳатдан ҳам қараш мумкинлигини айтади: “Адиб “Ўткан кунлар” орқали “тарихимизнинг энг кирлик, қора кунлари”, яъни юртни мустамлака балосига гирифтор этган “хон замонлари” ҳақида сўз очиб, тарихнинг бу аччиқ ҳақиқатидан сабоқ бермоқчи бўлади”. Дарҳақиқат, ўша тарих парчасининг “энг кир, қора” деб аталишига сабаб, озод мамлакатни босқинчилар томонидан босиб олинисига йўл қўйганида ҳам экан. Хонлик замонининг кир ва қоралиги ўз мустақил салтанатини ҳимоя қилолмагани билан ҳам белгиланар экан”²⁹.

²⁷ Гаспринский И. Ҳаёт ва мамот масаласи. – Тошкент: Маънавият, 2006. Б. 134.

²⁸ Ўша асар, б. 135.

²⁹ Ҳамдамов У. Абдулла Қодирий ва янги ўзбек адабиёти. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2022. Б. 12.

Кўриниб турибдики, деярли бир даврда яшаган икки улуғ туркий сиймо (Гаспрати ва Қодирий) нинг фикрлари бир жойдан чиқмоқда. Улар қолдирган битикларни бир-бир ўқир экансиз, туркийлар ҳозирги аянчли аҳволига бирданига ва ўз-ўзидан тушиб қолмагани, бунинг учун жуда кўп ва мудҳиш хатоларга йўл қўйгани, ҳозирги ҳоли ўша хатоларнинг қонуний натижаси эканлиги аниқлашади.

Гаспрати асарни ғоят таъсирли яқунлайди. Ҳамма шохлар Амир Темурга бир-бир ҳисоб беради. Ахир, унинг ўзи ҳам ҳисоб бериб айтадики, менинг ҳам шубҳасиз хатоларим кўп бўлди. Айримлар мени золим, Эронни, Русияни, Туркияни, Ҳиндни босди, одамларни ўлдирди, дейишади. Менинг масадим шунчаки босиб, йўқ қилиш бўлмаган. Мен “ноахил идора”га барҳам бериб, туркий элни бирлаштирмоқчи эдим. Бунга Ҳақ гувоҳ, деган мазмунда сўзлаб дейди: “Садди Чиндан Мармара денгизи, музли Дашти Қипчоқдан иссиқ Ҳинд денгизига қадар қўлима қирмиш. Туркистон пек (ғоят) буюк эди. Бир четиндан бир чети юз кунлик йўл эди... Осиёларга жазо берганим зулм эмас эди, макон ва замон иктивозини тадбирлар эди. Аммо на фойдага...”

Шундан кейин устози Саййид Барака келиб Темурга “Етар, ўғлум” дейди. “Шоҳ Темур оёғи калкуб, бир “Воҳ!” чекди. Бутун мажлус довдираб оёқланди...”³⁰

Демак, Темур туркий эллар орасидаги низою нифоққа барҳам бериш учун қилич кўтариб жанглар қилган, натижада тарқоқ туркий элларни бирлаштирган. Бироқ низоюсида “бунинг нима фойдаси бўлди?” дея оҳ чекиб қолмоқда. Чиндан ҳам шундай бўлмадими, Амир Темурдан сўнг ким туркий халқларни унинг даражасида бир байроқ остида тўплай олди? Ҳеч ким. Уринишлар бўлди, албатта. Бироқ муродга етилмади. Бас, шундай экан, айтиш жоизки, Темур чеккан “оҳ” бугун ҳам туркий халқлар бўғзини тарқатган эмас.

Гаспратининг ушбу асарида, умуман, шунинг каби бошқа асарларида кўтарилган сиёсий-ижтимоий ўтқир масалалар Туркистон жадидлари ижодида ҳам давом эттирилади. Чунончи, А. Фитратнинг 1917 йилда ёзилган “Юрт қайғуси” туркуми шулар жумласидандир. Шеър Туркистон тақдири ҳақидаги ташвиш-қайғу маҳсулидир. Унда лирик қаҳрамоннинг Темур руҳи олдида “омонатга хиёнат” қилгани учун тазарру қилган саҳнаси чизилади ҳамда у “Туроннинг эски шараф ва улуғлигини қайтариш”га қасам ичади. Туркистон мухторияти эълон қилинганидан кейин ёзилган тизма шеърда эса лирик қаҳрамон ўша онтни бажаришга киришиб, “Онам! Сени қутқармоқ учун жонми керакдир” деган сўроқ билан “Темур била Чингиз қони тошди томримиздан” дея “оёққа қалққан”лардан бири сифатида гавдаланади.

³⁰ Гаспринский И. Ҳаёт ва мамот масаласи. – Тошкент: Маънавият, 2006. Б.136.

Исмоил Гапратининг хизмати ҳар жабҳада, жумладан тил соҳасида ҳам жуда катта бўлганки, унга тўхталмаслик мумкин эмас. Чунки туркий халқлар орасида умумий бир тил бўлмас экан, уларнинг бошини қовуштириш мушкул бўлишини, ҳатто имконсиз эканини у жуда эрта англаб етади. Бас, у ечим таклиф қилади – улуғ маърифатпарвар барча учун тушунарли бўлган умумидабий тил ҳақидаги қарашларини илгари суради: “Одамларни бир-бирдан ажратиб турадиган учта нарсаси бор. Бири масофа, бири диний тафовут ва бири тил билмаслик. Динимиз ҳамиша бир бўлса ҳам, бизни масофа ва тил билмаслик ажратиб туради. Цивилизация даврида пароходлар, темир йўллар ва телеграфлар туфайли йилдан-йилга масофалар қисқариб бораётганига қарамай, тарқоқчилигимизнинг сабаби кун сайин аён бўлмоқда. Асосий сабаб тилсизлик, яъни бизда умумий адабий тилнинг мавжуд эмаслигидадир”³¹.

Худди шу нарсаси, яъни умумтуркий адабий тилнинг, умумтуркий алифбонинг йўқлиги бугунги кунда ҳам туркий халқларни бир-бирдан узоқлаштириб турган бош сабаблардан экани очиқ ҳақиқат. Ахир, ўз вақтида Алишер Навоий асарларини деярли барча туркийлар ўқиб тушунишган эди. Ёки бериқдаги Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”ини, Чўлпоннинг оташин шеърларини олинг, уларни ҳам ўқиб тушунишган. Ўз-ўзидан “қандай қилиб?” деган савол туғилади. Чунки ўша вақтда туркийлар ягона арабий алифбодан фойдаланишган эди, сабаб – шу. Бугун тарихий-сиёсий вазият тубдан ўзгарган, бас, у латин алифбосига асосланган ягона умумтуркий алифбони тақозо қилмоқдаки, бу йўналишда ҳаракатлар олиб борилаётгани, ҳатто шундай алифбо таклиф қилингани (2024 й.) қувонарли ҳол. Ҳамда ушбу ғоянинг, яъни туркий халқларнинг, ислом дунёсининг бирлашишига хизмат қилувчилар бошида А. Темурдек давлат бошқарувчиси, И.Гаспратидек ғоя усталари турганлигини асло унутмаслик лозим.

И.Гаспратининг яна кўплаб асарлари, маърифатпарварлик йўлида амалга оширган муҳим ишлари, амаллари борки, уларнинг бари туркий элларни, ислом дунёсининг қамолотига қаратилганлиги билан мислсиз аҳамиятга эга.

И.Гаспратининг инсон сифатида ҳам ғоят мард ва оқил шахсият эгаси эканлиги ўлим олдида қилган васиятидан ҳам билинади. Жадид-шунос олим, академик Наим Каримов ўзининг “Туркий дунё юлдузи” номли мақоласида Исмоилбек васиятини айнан келтиради: “Мен кеча-

³¹ “Жадид” газетаси. – Тошкент: 2024 йил, октябрь сони.



дан бошлаб ўзимни ёмон ҳис этмакдаман. Бу ҳолатнинг ниҳояси шу кунларда маълум бўлади. Дунёга келгач, бир куни ҳаммамиз, албатта, вафот этиб кетамиз... Менинг сўзларимдан ғам-ғуссага тушманг... Бу дунёда туғилиш табиий бўлганидек, ўлиш ҳам, демек, табиийдир... Пешонага ёзилганини кўрамиз. Мен сизларга ўз васиятимни айтаман... “Таржимон” бўлинмайди, шояд ҳеч қачон бўлиниб кетмаса. Фарзандларим ўша жойда ишлашсин ва тушган фойдадан баҳраманд бўлиб умргузаронлик қилишсин. Умид қиламанки, ўғилларим “Таржимон” нинг сўнишига асло йўл қўймайжаклар”³².

Ўлим олдида ҳам ишни, “Таржимон” газетасини, ўғилларини, уларнинг ҳамжихатлигини, эртасини ўйлаётгани, бу васият нафакат унинг ўз фарзандларига, балки бутун туркий элларга, уларнинг келажак авлодларига айтилгандек таассурот қолдиради. Зеро, И.Гаспралиннинг бутун умр олиб борган кизгин ва улуг фаолияти шундай дейишимизга старлича асос ва ҳуқуқ беради.

2024.



³²Каримов Н. Туркий дунё юлдузи. Исмоил Гаспринский ва Туркистон. – Тошкент: 2005. Б.288



АБДУРАУФ ФИТРАТ

(1886-1938)



Абдурауф Фитрат XX аср ўзбек адабиёти, фани, маданияти ва жадидчилик ҳаракатининг улкан намояндаси бўлиб, комусий билимга эга, ўз фаолияти билан миллат тафаккурида азим эврилишлар ясай олган мумтоз сиймо. Шунингдек, у янги ўзбек адабиёти асосчиларидан бири, улуг назарийчи, буюк тилшунос, ёрқин драматург, оташин шоир, жанговар публицист, ўткир журналист, мохир санъатшунос, истеъдодли тарихчи, файласуф, давлат ва жамоат арбоби ҳамдир.

“Хўш, Фитрат деган буюк ҳодисани қандай омиллар вужудга келтирди?” деган табиий савол туғилади. Бунинг учун, аввало, у яшаган давр руҳини тушуниб ҳис қилиш керак бўлади: Чоризм мустамлакаси остидаги учта давлат (Қўқон ва Хива хонлиги ҳамда Бухоро амирлиги) ҳар жабҳада инкирозга юз тутган, бир томондан юртнинг, элнинг қашшоқлик, қолоқлик, маърифатсизлик ботқоғига ботганлиги, бошқа томондан эса, Русияда кетма-кет содир бўлган инкилобларнинг таъсири, “хонликлар – совет давлати – “босмачилар” учлиги ўртасидаги урушлар, ниҳоят, шўролар ҳукмронлиги, улар ўтказган қатор сиёсий-иқтисодий тадбирлар (коллективлаштириш, қулоқлаштириш, индустриаллаштириш, қатағонлар ва ҳоказолар) жадал ўтказилаётган бир палла эдики, буларнинг барини Фитрат ўз бошидан, юрагидан кечирди. Худди мана шу давр юртни истиклолга бошлаб, унинг сарҳадларида кенг қўламли истилоҳлар ўтказилишини, янгича қараш билан ҳаётга боқиб, турмуш тарзини тубдан ўзгартириш зарурлигини шарт қилиб қўйди. Бас, шундай экан, элнинг илғор кишилари, жумладан, жадидчилик ҳаракати вакиллари юртни ислоҳ қилиш вазифасини ўз зиммаларига олиб майдонга тушдилар. Уларнинг олд сафида Абдурауф Фитрат ҳам бор эди. Фитратнинг жуда кўп соҳаларда фаолият юритишининг сабаби, бир ёқдан унинг шахсияти диапазони, бошқа ёқдан эса, зикр этилган вазифаларнинг қўлами билан боғлиқ.

“Қомусийлиги жиҳатидан Фитрат Беруний, Ницше, Дидро типидagi олимлар қаторида туради”³³ деб ёзади академик Б. Назаров ҳамда Фитратнинг ислом тарихи, тарих, фалсафа, иқтисод назарияси, сиёсат, мусикашунослик, спорт маданияти, мелнорация, география, педагогика, маориф, математика, механика, оптика, тиббиёт, тилшунослик, ада...

³³XX аср ўзбек адабиёти тарихи. Жамоа томонидан ёзилган ўқув қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999. Б.119.

биётшунослик соҳаларида олиб борган изланишлари тўғрисида сўз юритади.

Ислом дини тарихига оид “Мухтасар ислом тарихи”, тарихга оид “Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври”, мусикашуносликка оид “Ўзбек классик мусикаси ҳамда унинг тарихи”, спорт маданиятига оид “Шарқда шохмоғ”, мелиорацияга оид “Ўрта Осиёнинг суғорилиш тарихидан уч хужжат”, педагогикага оид “Рахбар нажот”, “Оила”, “Мавлуди Шариф”, “Жамият ва хайрия”, тил ва тилшуносликка оид қатор мақолалари, яна “Сарф” ва “Наҳв”, адабиёт ва адабиётшуносликка оид “Энг эски туркий адабиёт намуналари”, “Ўзбек адабиёти намуналари”, “Бедил”, “Қутадғу билги”, “Ҳибат ул ҳақойик”, “Аҳмад Яссавий”, “Ўзбек шоири Турди”, “Мухаммад Солиқ”, “Машраб”, “Форс шоир Умар Хайём”, “Фарҳод ва Ширин” достони тўғрисида”, “Навойнинг форсий шоирлиги ҳам унинг форсий девони тўғрисида”, “Шеър ва шоирлик”, “Аруз ҳақида”, “Адабиёт қондалари”, “Ўқув”, “XVI асрдан сўнгра ўзбек адабиётига умумий бир қараш” каби рисола, қўлланма ва мақолалари, қатор публицистик чиқишлари (“Мухторият”, “Бухоронинг ҳоли”, “Туркистонда руслар”, “Англиз ва Туркистон” ва бошқ.) Фитратнинг чиндан ҳам XX асрда тенги йўқ қомусий билим эгаси эканлигини кўрсатади.

Ана шундай қомусийлик, юрт ва эл равнақи йўлида фидойилик жадид ҳаракатининг бошқа йирик вакиллари ҳам у ёки бу даражада хос бўлганки, натижада Бехбудий ва Ҳамза драмада, Қодирий ва Чўлпон прозада, Фитрат, Ҳамза ва, асосан, Чўлпон поэзияда ўзларининг илк уринишлари биланок янги ўзбек адабиётининг таъмал тошини қўйдилар.

Абдурауф Фитрат 1886 йилда Бухорода туғилган. Фитрат — Абдурауфнинг тахаллуси бўлиб, “яратмоқ”, шунингдек, “зукко”, “билимдон”, “доно”, “туғма истъод” деган маъноларни билдиради. У талабалик даврида Мижмар (чўғдон) тахаллусидан ҳам фойдаланган.

Фитратнинг отаси савдогар бўлиб, 1918 йилларгача Қашкарда қолиб кетади. Ёш Абдурауф асосан онаси Бибижон қўлида тарбия топади. Бибижон она Шарқ адабиётидан, хусусан, Бедил, Навоий, Ғолибий Увайсий, Зебунисо каби шоирлар ижодидан яхши хабардор бўлган, бу эса, ўз навбатида, Абдурауфнинг адабий иқлим муҳитида ўсишига ёрдам берган. У Бухородаги “Мирараб” мадрасаси ва Истанбул дорулфунуларидан таҳсил олган. Форс, турк, араб тилларини мукаммал билган.

Фитрат 1909 (айрим манбаларда 1910 ва 1911 дея кўрсатилади) Туркияга ўқишга бориб, 1913 йилгача таҳсилни давом эттиради. Бу унинг ҳаёт ва ижодида жуда катта таъсир кўрсатади. Фитрат Туркияда “Ёш турклар ҳаракати” билан танишади, бу танишув, умуман, хориждаги таҳсил, ҳаёт унинг онги ва дунёқарашида туркий жадидлар йўлбошчиси

И. Ғаспирали таъсирида туғилган жадидчилик руҳини янада аланга олдиради. У хорижда талабалик вақтидаёқ “Мунозара” (“Ҳиндистонда бир фаранги ила бухороли бир мударриснинг бир неча масалалар ҳам усули жадида хусусида қилган мунозараси”) деган дастлабки асарларидан бирини ёзади. Фитрат шеърят билан ҳам шуғулланиб, илк тўпламини (1910) “Сайха” (“Бонг”, “Наъра”) деб номлайди ҳамда Истанбулда нашр эттиради. Ўйлаб қаралса, Фитрат биринчи тўпламининг номидаёқ ўзига хос рамз яширинган: яъни кимдир келаяпти бонг уриб, наъра тортиб. Бу урилган бонг тортилган наъра гўёки юртни, миллатни уйғотишга қаратилгандир. Фитратнинг кейинги бутун ҳаёт ва ижоди илк китоб муқовасига чиққан мазкур ном-рамзнинг бежиз танланмаганини исбот қилди.

Фитрат ватанга қайтгач, Бухорода жадидчилик қарашларини ўз асарлари ва сиёсий ижтимоий фаолияти билан янада кенгрок тарғиб қилди. “Фитрат 1921 йилда Бухорога келиб давлат ишларида фаол иштирок эди. Бир қанча масъул вазифаларда ишлаб, Бухоронинг ривож учун қўлидан келган ёрдамни берди”³⁴ деб ёзади академик С. Мамажонов. Демак, Фитрат сиёсат билан ҳам жуда жиддий шуғулланди ҳамда миллатпарварлардан таркиб топган “Ёш бухороилар” жамиятини тузди. 1921-1923 йилларда Фитрат Бухоро Халқ Жумҳуриятида маориф халқ нозири бўлиб ишлаган.

Шунингдек, манбаларнинг гувоҳлик беришича, Фитрат 1918 йили Тошкентда “Чигатой гурунги” жамиятини тузди ва унга раҳбарлик қилди. Бу жамиятнинг тарихий аҳамияти ниҳоятда катта. Чунки мазкур жамият миллат тилини тозалаш, имлосини тузатиш, адабиёт ўқитиш масалалари каби ўта муҳим вазифалар билан шуғулланди. 1918 йилнинг ўзидаёқ жамиятнинг фаол аъзолари билан биргаликда давлат тили масаласи муҳокама қилинди ҳамда матбуотга олиб чиқилди. “Шу билан бирга, — деб ёзади профессор Ҳ. Болтабоев, — гурунг фаоллари ёш ёзувчи ва шоирларни тарбиялаш, оғзаки адабиёт материалларини йиғиш, оммабоп театрлар ташкил этиш ва буларда халқнинг тарихий ўтмишини улугловчи асарлар яратиш билан ҳам машғул бўладилар”³⁵. Афсуски, бундай ишлар билан шуғулланган жамият ўша пайтда ҳокимиятни ўз қўлига олиб улгурган шўроларга ёқмас эди, натижада 1922 йилда “Чигатой гурунги” фаолиятига чек қўйилди. “1923-1924 йилларда эса фрунзечилар томонидан қувғин қилинган шоир Москвадаги Шарк

³⁴Мамажонов С. “Маънавият юлдузлари” китобида. — Т., А. Қодирий номидаги халқ мероси, 2021. Б.388.

³⁵Фитрат А. Танланган асарлар. — Тошкент: Маънавият, 2000. Б. 17.

тиллари институтида илмий фаолият билан шуғулланган. Фитратнинг ўзбек тили грамматикаси оид дарсликлари 1925-1930 йилларда беш марта чоп этилган. Тилшунослик ва адабиётшунослик бўйича олиб борган тадқиқотлари учун Фитратга ўзбек олимларидан биринчилардан бўлиб профессор унвони берилган³⁶ деб ёзади профессор С. Мирвалиев.

А. Фитрат 1938 йил 4 октябрда миллатчилик ва пантуркийзмда айбланиб, Қодирий, Чўлпонлар билан бирга отиб ташланади. Отув ҳукми эса бир кун сўнг – 5 октябрда чиқади. Машғум воқеадан кейин Фитрат уйида сақланиб қолган қўлёмалар қариндошлари томонидан ёқиб юборилади. Чунки ўша вақтда “миллатчи” деган ёрлик ёпиштирилиб қатл этилган олимдан қолган қўлёмалар ҳам тириклар учун хавфли саналган. Шунинг учун ҳам Фитратнинг айрим асарлари ҳалигача топилган эмас. 1957 йилда Собик Иттифок Олий судининг ҳарбий коллегияси 1938 йил 5 октябрда чиқарилган ҳукмни бекор қилади ҳамда қўплар қатори Фитрат ҳам айбсиз деб топилиб, оқланади. Лекин Фитрат ҳаёти ва ижодини чинакамига ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш юрт мустақил бўлган 1991 йилдан бошланди. Шу чоққанча комусий олим ва ижодкор ҳақида С. Мамажонов, О. Шарафидинов, А. Алнев, Э. Каримов, Н. Каримов, Б. Қосимов, Б. Назаров, Ш. Турдиев, С. Ахмедов, Ҳ. Болтабоев, И. Ғаниев, Н. Жабборов, У. Жўрақулов каби ўнлаб ўзбек олимлари салмоқли тадқиқотлар олиб бордилар, унинг номи ва асарларининг тикланиши учун жонбозлик кўрсатдилар. Шунингдек, Фитрат хорижда ҳам кенг ўрганилди: А.З.Валидий, Ф. Кўпрули, Э. Оллворт, И. Ёркин, И. Балдауф, А. Беннигсен, М. Сарой, К. Эраслон, Х. Каматсу, Т. Раковска-Хейстон каби олимлар ҳар-хил даврларда Фитрат ижодини турли томондан туриб тадқиқ этдилар. Буларнинг ҳаммаси Фитрат шахсияти ва ижодининг нақадар қўламли эканидан далолатдир.

Фитрат – адабиётшунос. Фитрат янги давр ўзбек адабиётшунослигининг асосчиларидан бири, энг йиригидир. Унинг қадимги адабиёт, мумтоз адабиёт ва замонавий адабиёт устида олиб борган тадқиқот ва ёзган мақолалари бугунги кунгача ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Фитрат, айти пайтда, улуг назариётчи олим ҳамдир. “Адабиёт қондалари”, “Аруз ҳақида”, “Шеър ва шоирлик” номли рисола ва мақолаларида адабиётшуносликка оид янги ва ғоят асосли нуктаи назарлар, қарашлар акс этган. “Эски ўзбек адабиёти намуналари”, “Чигатой адабиёти» «XVI асрдан сўнгги ўзбек адабиётига умумий бир қараш» сингари ўлмас тадқиқотлари, Фирдавсий, Умар Ҳайём, Яссавий, Навоий, Бобур, Муҳаммад Солиҳ, Бедил, Машраб, Турди, Муқимий, Фурқат,

³⁶Мирвалиев С., Шокирова Р., Ўзбек адиблари. – Тошкент: Фан, 2007. Б.20-21.

Нодири ҳақидаги мақолалари, мана, орадан юз йилнинг нари-берисида вақт ўтган бўлса ҳам “илмий ишда илгари сурилган ғоя ва қарашлар, одатда, 15-20 йилдан кейин эскиради”, деган ёндашувларни чиппакака чиқариб, ўз аҳамияти ва долзарблигини йўқотган эмас. “Бунинг сабаби нимада?” деган асосли савол туғилади. Сабаби шуки, Фитрат, авваломбор, ўзи текшираётган манбаларни аслиятда ўқиб ўрганади, кейин эса, унинг текширувчи, тадқиқотчи сифатидаги қўлами ниҳоятда кенг, айтиш жоизки, у нафақат ўзбек, нафқат туркий, балки форс, араб, умуман, бутун Шарқ адабиётини теран билади, ўз даври жаҳон адабиётшунослиги об-ҳавосидан яхши хабардор комусий олимдир. Энг муҳими, у инсон сифатида бутун, шахслик даражаси баланд, бас, тўғри ва нотўғрига муносабати самимий, тирик ва жасур эди. Мана шуларнинг барчаси бирлашиб, комусий олимга тадқиқ этилаётган масаланинг “жон томири”га тушиш имконини беради. “Жон томири”ни тутиб турган олимнинг “табиб” бармоғи эса, масаланинг асл ҳолини хатосиз сезиб-илғайдики, натижада ундан қолган илмий мерос ҳали-ҳануз тадқиқодчиларнинг диққат марказида турибди.

Абдурауф Фитрат «Шеър ва шоирлик» мақоласида “шеър нима?” деган саволни қўяди ва ғоят ўринли жавоб беради: «Сўнгги араб адиблари шеърни «каломи мавзуи мукаффа» дея таъриф қилдиларким, «ваззли, қофияли гап» демакдир. Бизнинг шоирларимиз ҳам шеърни шул бино билан қабул этдилар. Шунинг учундирким, «вазн» ва «қофия» бўлган турли маъносиз сўзларнинг шарафига ишонган сайин шеърнинг ҳақиқатидан узоқлашиб қолдилар. Етти саккиз сўзни белгили бир «вазн»да тизиб, кетинда белгили бир сўзни «қофия» қўймоқ билан шеър орасинда ердан қўккача айирма бордир. Шеърда кишиларнинг қонини қайнатгучи, сингирларини ўйнатгучи, миясини титратгучи бир куч, маънавий бир куч бор. Шундай бир кучи бўлмагон сўз вазн ва қофияси бўлсун, «шеър» бўла олмайди... «Вазн» билан «қофия»нинг шеърга таъсири йўқдир. «Вазн» ва «қофия»си бўлмагон кўп «шеър»лар бўлгони каби «шеър» бўла олмагон ваззли, қофияли сўзлар ҳам кўпдир. Шеър юрак сезгуларини кўрсатмакдир. Вазн ва қофия эса сўзнинг «безаги» (зийнати)»³⁷. Шеърда санъат руҳи бўлади, шу бўлсагина унинг қофияси бўладими, йўқми, қатъий назар, шеър деб аталади, деярли улуг назариётчи олим. Ёки бунинг тескариси: сиз шеър дея ҳавола этаётганингиз матн ташқаридан қофияю оҳанглар билан қанчалик безатилган бўлмасин, агар унда “юрак сезуларини” бўлмаса, санъат асари бўлмайди. Демак, бу ерда “ҳақиқий шеър қандай бўлади?” деган саволга жуда ўринли, асосли жавоб айтилган дейиш мумкин.

³⁷ Фитрат А. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2000. Б. 17.



Фитрат туркий тилнинг химоясида худди улуғ Навоий каби кўп ва хўп кайгурган, ёзган. “Тилимиз” деган мақоласида биргина “бил” деган сўздан 98 та сўз яшаш мумкинлигини исбот қилиб (“Демак, туркчада бир томтирдан 98 та сўз ундиринг эмиш”)³⁸, бу жиҳатдан туркий тил бошқа тиллардан, хусусан, арабу форс тилларидан бойроқ эканини айтади. Шу билан бирга, туркий тил кунимизга келиб “бахтсиз” тилга айланиб қолганини ҳам яширмайди: “Дунёнинг энг бой, энг бахтсиз бир тили қайси тилдир? Биласизми? Туркча...”³⁹

Фитрат араб ва форс тилларини яхши билса ҳам, шеърларида туркий тилнинг софлиги учун курашди. Бу ҳол миллатнинг яна бир улуғ сиймоси – Алихонтўра Соғуний муносабатини ёдга солади: “Мен Али Соғуний ёшлик йигитлик кунларимдан бошлабқ арабий форсий тилларини тўлиқ равишда ўзлаштирдим. Замоннинг менга кўрсатган тўсқинликларига қарамай, Тангри ёрдами билан кенг кўламда диний, тиббий, айниқса, тарихий маълумотларга эга бўлдим. Арабча, форсчаларни ёзиш, сўзлашгани эмас, балки бу икки тилда китоб ёзиш, шеър айтиш қобилияти менда бўлса ҳам, ўз она тилим туркчани бошқа тиллардан ортиқроқ кўрдим. Чунки қайси бир миллатнинг она тили ўз ҳолатини ўтай олмай, бошқа ёт тиллар олдида мағлубиятга учраб, тиз букар экан, ундай миллат кўп узоқламаёқ инсоний ҳуқуқларидан ажрайди ва унинг ҳаёт дафтари устига инкироз қалами чекилиши шубҳасиздир. Бундай миллат ёлғизгина ватанларидан эмас, балки бутун борлиги билан тарих юзидан йўқолишга мажбур бўладилар”.⁴⁰

Айни дамда, Фитрат оташин публицист ҳамдир. 1917 йил ноябрда Қўқон мухторияти тузилади. Бу вақтда Самарқандда бўлган Фитрат дарҳол ўз муносабатини мақола тарзида “Хуррият” газетасида эълон қилади. Мақолада улуғ жаҳиднинг юракдан отилиб чиққан ўша “Сайҳа”да отган наъраси қулоқларга баралла эшитилади: “Эллик йилдан бери эзилдик, таҳқир этилдик. Қўлимиз боғланди, тилимиз кесилди. Оғзимиз қопланди. Еримиз босилди. Молимиз таланди, шарафимиз емрулди. Номусимиз ғасб қилинди, инсонлигимиз оёқлар остига олинди. Тўзимли турдик. Сабр этдик. Кучга таянган ҳар буйруққа бўйсундик. Бутун борлигимизни қўлдан бердик. Ёлғиз бир фикрни бермадук, ёшунтирдук, имонларимизга ўраб сақладук. Бу — Туркистон мухторияти...”

Фитрат шеърляти. 1922 йилда “Ўзбек ёш шоирлари” тўпламида Фитрат, Чўлпон, Элбек ва Ботунинг шеърлари босилиб чиқди. Бу

³⁸Фитрат А., Танланган асарлар. Беш жилдлик. IV жилд. — Тошкент: Маънавият, Б.125.

³⁹Ўша асар, б. 124.

⁴⁰Соғуний А., Туркистон қайғуси. — Тошкент: Шарқ, 2021. Б.14.



тўплам шеърлятдаги тамомила янги руҳ-кайфиятни акс эттирар эди. Зеро, XX асрга келиб, ўзбек шеърляти тубдан янгиланишларга юз тутди. Чунки замон, атроф муҳит ўзгараётган ва бу жараён шиддат билан давом этаётган эди. Натижада шеър ҳам шаклан, ҳам мазмунан янгиланди. Фитрат, Ҳамза, Авлоний, Чўлпон ана шу ўзгаришларнинг ибтидосида турди. Давр руҳини шеърлятта олиб кириш кучайди. Ҳатто мумтоз Шарқ шеърлятидаги идеал — “комил инсон” тушунчаси ҳам бир қадар ўзгарди. Бу нарса, аввало, дунёнинг бир-биридан хабардор бўлиб туриш, ҳар томонлама интеграция имконларининг ўсганлиги, ўзаро товар, ахборот алмашиш суръатининг жадаллашгани ва оқибатда бутун ер куоррасининг талай қисми яхлит ижтимоий кайфият касб этгани (глобализм) билан изоҳланади. XIX асрдан бошлаб бу кайфият Ғарбдан Шарққа томон “эсди”. Тарихий ўсишда бир неча асрдан буён турғунлик палласини боппидан кечираётган Шарқ Ғарбга эргашишга, қайсидир ўринларда унга тақлид қилишга, унинг кайфиятига киришга мажбур қолди. Бу кайфиятга кўра, энди шарқликлар дунёқарашида реаллик, моддиюнчи назар кучайди. Чунки фан-техника натижалари кириб келган ва улар ҳаётга кенг тадбиқ этилганди, жамиятда ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар жадаллашган, асрлар давомида бир жойда депсиниб турган кўпгина Шарқ мамлакатлари, жумладан, Туркистон яна ҳаракатга келганди.

Моддий оламнинг ҳаракатга келиши мамлакат инфраструктурасини, жамият кайфиятини, унинг устувор кадрлятларини тубдан ўзгартириб юборди. Натижада, масалан, комил инсон концепцияси инсон ва жамият тарбиясининг асосини ташкил этган кадрлят сифатида ўзининг янги мазмунига кўчди. Бу шундай мазмун эдики, энди унда ҳаракатдаги жамият ҳаёти билан чамбарчас боғлиқлик, унинг келажаги учун қай-ғуриш ҳисси яшарди. Шахснинг миссияси энди ошиқлик ё дарвешлик эмас ва ёхуд оғир ва шарафли тасаввуфий йўлларни босиб ўтиш эмас, балки фидойилик, ўзликни кўпчилиқнинг манфаати, жумладан, Ватан озодлиги йўлида фидо қилиш бўлиб дунёга келди. Аслида, комил инсонлик юксак мартаба бўлиб, унга етишиш жуда мушкул. Бу сўзнинг том маъносиди ҳеч ким комилликка дохил бўлолмайди. У — бир идеал. Бу идеал кишини ҳамиша ўзига — юксалишга, юксалишга чорлайди, унга маънавий озуқа, энгилмас ва тоза руҳ бағишлайди, эвазига бутун бошли умрни талаб этади, лекин шунда ҳам етилмайди, у — мангу йўл. XX аср аввалига келиб комил инсон вазифасини давр жароҳатини ўз дарди ўлароқ қабул қилган ва юрт озодлиги, унинг порлоқ келажаги учун курашган, бу қутлуг йўлда азиз жонларини ҳам аямаган шахслар бажара бошлади. Бундай шахслар, энг аввало, адабиётда ўзларини кўрсатди: улар индивидлик қобилигини ёриб чиқиб, шахслик мақоми сари

дадил илгариланган, демакки, комиллик йўлида шахдам одим ташлаган улуғ сиймолардир. Шахс-ижодкор давр дардини қўради, уларга тўғри ташхис қўйиб, даволаш йўллари топади, омади чопса, даволайди ҳам. Биз Бехбудий, Фитрат, Ҳамза, Қодирий, Чўлпон каби сиймолар ҳақида гапирганимизда шу нарсани англаймизки, улар бутун бир миллат олдида давр қўйган улкан, кечиктирилмас муаммоларни, аввало, тўғри идрок этганлар, сўнгра асосийларини муваффақиятли ҳал этганлар.

XX юзйиллик ибтидоида миллатнинг тафаккур гуллари маърифатсизликни юртнинг энг оғриқ нуқталаридан бири деб билдилар. Улар истеъодларини элни ўқимишли кишига бағишладилар, шу йўлда вақтлари, кучлари, маблағларини аямадилар. Адабиётни ҳам бир восита айлаб, ана шу олий мақсадга хизмат қилдирмоқчи бўлдилар. Улар халқнинг маърифатли бўлиши юрт равнақи ва миллат тараққийсининг асоси деб билдилар. Оқибат – адабиётда маърифатли киши образи пайдо бўлди. Авлоний, Сўфизода, Ибрат, Ҳамза, Фитрат, Чўлпон каби катор шоирларнинг ижодида шу ғоя қайта-қайта ишланди. Чунончи, Фитрат «Ўғут» шеърида ёзади:

*Оғир йигит, гўзал, нурли кўзингда,
Бу миллатнинг саодатин, бахтин ўқудим.
Ўйлашингда, туришингда ҳамда ўзунгда
Бу юрт учун қутулишининг борлигин кўрдим.⁴¹*

Озодлик, Истиқлол, янги давлат қуриш каби ғоялар эса Фитрат ва бошқа шоирлар шеърларида идеал-ғоя даражасида тараннум этилди. Вақти бўлдики, улар ҳаётдан нимаики рўшнолик кутган бўлса, ҳаммасини шу ғоя билан боғладилар. Чунончи, Чўлпон бир шеърида:

*Ол байроғингни, қалбинг уйғонсин,
Қуллик, асорат – барчаси ёнсин,
Қур янги давлат, ёвлар ўртансин,
Ўсиб Туркистон, қаддин кўтарсин! [I,146]*

деб ёзса, Фитрат:

*Онам, сени қутқармоққа жоним керакдир?
Номусми, виждон била имоним керакдир? [I,31]*
дея нола чекди “Юрт қайғуси” шеърида.

Шеърятдаги идеал жамиятнинг бурилиш асноларида ўзини яққолроқ намоён этади. Аникроғи, ўша идеалнинг бир қирраси – дунёқараш билан боғлиқ томони бўртиброқ кўзга ташланади. Шу нуқтаи назардан қаралганда, XX аср янги ўзбек шеърятда 20-йиллар алоҳида ўрин

⁴¹Фитрат А. Танланган асарлар. – Т., Маънавият, 2000. – Б.41; бундан кейин шу нашрдан олинган қўчиридан сўнг қавс ичида жилд ва саҳифа кўрсатилади.

тутади. Бу шеърят Фитрат, Чўлпон каби улкан шоирлар номи билан боғлиқ бўлиб, юртнинг аввал чор, сўнгра шўролар томонидан босиб олинишига қарши кайфият билан суғорилган. Уларнинг шеърларига сингдирилган ғоя – идеал ҳам, асосан, озодлик, истиқлол деган сўзларни ифодалайди. Фитратнинг яна “Юрт қайғуси”, “Бехбудийнинг сағанасин изладим”, “Шарк”, “Ўқитғувчилар юртига”, Чўлпоннинг “Бузилғон ўлкага”, “Ёруғ юлдузга”, “Қураш”, “Кишан”, “Кўнгил” каби ўнлаб шеърлари зимнида ана шу руҳ ҳукмрон.

Албатта, уларнинг идеали замон талабию руҳи билан янгиланган эди. Янгиланган идеал мумтоз адабиётимиздаги идеалдан фаркланади. Чунки уни ташкил этган асосий тушунчаларнинг мазмун-моҳияти, тизимдаги ўрни ва мақоми энди жиддий ўзгарди. Жадидчилик бағрида етишган бу шоирлар ижодида мумтоз адабиётдаги “комил инсон” тушунчаси ўрнини энди “зиёли”, Ҳаққа интилишни истиқлол ва тараққий йўлидаги қураш эгаллади. Идеалдаги сифат ўзгаришини биргина “зиёли” мисолида қараб ўтамиз. Аввало, жадид ижодкорлар соғинган идеал инсон – “зиёли” шунчаки ўқимишли киши эмас. У замонавий билимлар эгаси, замона аҳволидан яхши хабардор бўлиши ва, энг муҳими, миллатнинг эртаси ҳақида қайғуриши, унинг тараққий этиши йўлида фидойилик билан қурашиши лозим. Октябрь тўнтаришидан кейинги воқелик идеал қаҳрамон кифоасига сезиларли ўзгариш киритди. Энди ундаги зиёлилик белгилари сусайиб, юрт ҳақида қайғуриш, унинг тақдири учун масъуллик, эркак ташналик, қурашчанлик каби жиҳатлар олдинги планга чиқди.

Хуллас, шу тариқа мумтоз адабиётимизда марказий ўринни эгаллаб келган диний идеал XX аср янги ўзбек шеърятда бирмунча орқага чекиниб, унинг ўрни дунё ва жамиятни тубдан ўзгартиришга қаратилган ғоялар билан тўлди. Алоҳида таъкидлаш жоизки, бу ҳол большевиклар атеистик сиёсатини йўлга қўймасидан аввал, жадидчилик билан боғлиқ ҳолда юзага келганди. 20-йилларнинг ўрталаридан қувватга кира бошлаган адабий авлод эса идеалда туб ўзгариш ясагани йўқ, у гўё жадидлардан эстафета таёқчасини олдию идеалга ўзи қўзлаган конкрет ижтимоий мақсадга мос мафкура тўнини кийгизди. Натижада адабиёт жабҳасида ҳам, худди бутун жамиятдаги каби, кескин ғоявий-мафкуравий қарама-қаршилик юзага келди: 20-йилларнинг ўрталаридан то 30-йилларнинг охирига қадар адабиёт икки турли идеалнинг тўқнашувидан иборат бўлди.

Фитратнинг 1917 йилда ёзилган “Юрт қайғуси” туркуми [I, 31-35] учта сочма ва битта тизма шеърдан таркиб топган бўлиб, у Туркистон



тақдири ҳақидаги ташвиш-қайғу маҳсулидир. Таъкидлаш керак, туркумда даврнинг энг ўткир ижтимоий дарди чинакам шахсийланган бўлиб, уни XX аср ўзбек шеъриятидаги ижтимоий, гражданлик поэзиянинг илк яхши намунаси сифатида кўрсатиш мумкин. Ғоявий-тематик жиҳатдан туркумдаги шеърлар бир-бирини тўлдиради, ривожлантиради. Туркумдаги шеърлар шу жиҳатдан ва ёзилиш санаси тартибида кўриб чиқилса, қуйидаги ҳол кузатилади:

биринчисида буюк аждодларга бешик бўлган Турон “қуллик чуқурларига недан тушди?” деган савол қўйилади ва “арслонлар”нинг йитиб кетмаган, улар бирлашишса, улкан куч деган ғоя олдинга сурилади;

иккинчисида забун ва аянч аҳволдаги “бир хотун ҳаёли” — она Ватан тимсоли қаршисида айбдорлик, жавобгарлик ҳисси туюлади, “бутун борлиги билан унга кўмак қилурга ҳозирлик” изҳор этилади;

учинчисида лирик қаҳрамон Темур руҳи олдида “омонатга хиёнат” қилгани учун тазарру қилади ва “Туроннинг эски шараф ва улуғлигини қайтариш”га онт ичади;

тўртинчисида, Туркистон мухторияти эълон қилинганидан кейин ёзилган тизма шеърда лирик қаҳрамон ўша онтни бажаришга киришган, “Онам! Сени қутқармоқ учун жонми керакдир” деган қатъият билан “Темур билан Чингиз кони тошди томримиздан” дея “оёққа қалққан”лардан бири сифатида гавдаланади.

1917 йил давомида ёзилган бу шеърлар муайян бир қараш, ижтимоий-сиёсий мавкенинг тобора барқарорлашиб, ниҳоятида Ватан учун куралиш заруратига иймон келтирилганини яққол кўрсатиб турибди. Ҳа, ғоят шиддатли ўзгаришларга тўлиқ 1917 йил бунга қадар бутун сазй-ҳаракатлари ягона мақсадга йўналтирилган зиёлиларимиз учун танлов имкониятини тақдим этган чегара ҳолати эди. Фитратнинг юқоридагича қарорида собитлашуви ҳам, Ҳамзанинг қарашларида бурилиш юз бериши ҳам ўзининг ижтимоий-шахсий ва маънавий-руҳий асосларига эга. Шу асослардан келиб чиқиб ўз танловини амалга оширгани учун улардан бирини оқлаб, иккинчисини қоралашга ҳожат йўқ — иккиси ҳам юртим, халқим учун танлаган йўлим тўғри деб ҳисоблаган.

Худди Фитрат каби, 20-йиллар ўзбек шеърятининг етакчиси Чўлпон ижодида ҳам Ватан озодлиги мавзуси асосий ғоявий-тематик мотив бўлиб қолди. Бу икки шоирнинг руҳий яқинлиги “Юрт қайғуси” туркуми билан “Бўзилган ўлкага” шеърини ёхуд “Миррих юлдузига” билан “Ёруғ юлдузга” шеърларини қиёслаб кўриб амин бўлиш мумкин. Бу шеърлар юрт ва миллат тақдири ҳақидаги теран изтиробли мушоҳадалар, Ватанни Она деб тушуниш ва унинг ҳақини адо этолмаганлик-



дан келувчи изтироб, мавжуд ҳолати учун жавобгарлик ва унинг учун жон фидо қилишга ҳозирлик каби ғоявий-тематик асосларда ўзаро муштарақлик касб этади.

Фитрат — драматург. Фитратнинг 15 га яқин сахна асарлари ёзгани манбаларда айтилади. “Чин севиш”, “Ҳинд ихтилолчилари”, “Шайтоннинг тангрига исёни”, “Абулфайзхон”, “Восеъ кўзғолони”, “Арслон”, “Мавлуди Шариф”, “Бегижон”, “Қон”, “Темур сағанаси”, “Тўлқин”, “Або Муслим” каби драма, трагедия, комедия, либретто жанрларида битилган асарлар унинг драматургия соҳасида ҳам жуда салмоқли қалам тебратганини билдиради. Афсуски, уларнинг бир қисми, юқорида таъкидланган ва бошқа сабаблар туфайли бизгача етиб келмаган.

Фитратнинг драмалари ҳақида академик С. Мамажонов қуйидагиларни ёзади: “Фитрат 1920 йилда «Чин севиш» ва ундан уч йил кейин «Ҳинд ихтилолчилари» фожиасини ёзади. Бунда инглиз босқинчиларидан Ҳиндистонни озод қилишга киришган ёшларнинг жасорати кўрсатилади. Бу ғоя «Чин севиш»да ҳам бор эди. «Чин севиш» Фитратнинг сиёсий-фалсафий йўналишдаги кучли асаридир. Фитрат тасаввуф, нақшбандлик, яссавийчилик тўғрисида рисола, мақолалар ёзган. «Чин севиш»да буларнинг таъсири сезилади. Фитрат Оврупонинг давлат тузуми, фан-техника соҳасидаги барча ютуқларини ўрганиш, ўзлаштириш тарафдори. Аммо у ерда меҳр-шафқатлилиқни бир чеккага суриб, бутун чоралар билан фойда кетидан қувишни, пул, олтинга сажда қилишни қаттиқ танқид қилади. Асардаги жуда кўп ўринлар қизил империяга ҳам қарата айтилган тигли сўзлар эди: «Қуръонни ҳайвон тепкисидан қутқаришдек буюк», «чўчқани масжиддан ҳайдаш» каби эзгу иш лозим, «улар таловидан қутулмоқ учун бирлашмоқ» керак ва «Масжидда намоз учун йиғилганлар — сиёсий йигин ясагон бўлиб, тўпга боғланар, эр билан хотин ўзаро кўпроқ гапирганда ҳукуматга қарши бўлиб, дорга осилар. Бу кун, устидангина шу ўлкага қараганда йиқилгон шаҳарлар, ёндирилган қишлоқлар, таланган уйлар, кесилгон бошлар, осилгон гавдалар, тўкилган қонлардан бошқа бир нарса кўрмаймиз...» Фитрат пьесаси хатто «Йирткичларидан элимизни қутқарамиз!» деган нидо билан тугайди. Фитратнинг «Абулфайзхон» (1924 й.) трагедияси гарчанд XVIII асрда яшаган Аштархонийлар сулоласининг сўнгги вакили Абулфайзхон ҳаёти ҳақида ҳикоя қилса-да, аслида ўша «босмачилик» даври — халқ озодлиги кураши даврига ҳамоҳанг эди. Фитрат зулм, адолатсизлик, зўровонлик мамлакат ва халқни хароб қилади, адолатсиз шоҳнинг қисмати ҳам фожа билан тугайди, «подшолик қон билан сугориладиган бир ёғочдир!» дейди.



Фитрат «Арслон» ва яна бир неча пьесалар ёзган, афсуски уларнинг кўпчилиги ўз вақтида босилмай йўқолиб кетган. У диний мавзуда илмий рисола, пьесалар, ҳикоялар ёзди. «Қиёмат» (1924 й.), «Шайтоннинг тангрига исёни» (1924 й.), «Рўзалар» «Меърож», «Зайнабнинг иймони», «Ок мазор», «Қийшик эшон», «Зайд ва Зайнаб» каби асарлари шулар жумласидандир⁴².

Фитрат – адиб. Фитратнинг “Мунозара” ва “Ҳинд сайёҳи баёноти” (“Баёноти сайёҳи ҳинди”, “Ҳинд сайёҳи қиссаси”, “Ҳинд сайёҳи” дея турлича таржима қилинган) асарлари ўз вақтида миллатнинг илғор қисмига кўк юзида гўлбурлаган момақалдиқдек таъсир қилган. Таникли фитратшунос олим, профессор Х. Болтабоев шундай ёзади: “Бу икки асар маълум маънода мавзудош бўлиб, уларда асримиз бошларида юз берган ҳодисалар бир миллатпарвар фозил шахс томонидан таҳлил этилади ва шу борадаги фикрлар бир-бирларини тўлдиради. Муаллиф дастлабки асарида (“Мунозара” назарда тутилмоқда – У. Ҳамдамов) маърифатчи ва ислом ислохотчиси сифатида кўринган бўлса, “Ҳинд сайёҳи...”нинг мавзу доираси ҳам, унда баён этилаётган воқеаларнинг кўлами ҳам анча кенг. Асарда Бухоро амирлиги ҳудудидаги бутун иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётнинг кўплам муаммолари тилга олинади⁴³.”

Фитратнинг айрим асарларининг жанри ҳақида илмий мунозара қилиш мумкин. Чунки уларда турли жанрларнинг, ҳатто адабий турларнинг хиссаси бор. Биргина “Мунозара”ни олиб кўрайлик. У муаллиф томонидан ёзилган ўзига хос “Кириш” билан бошланиб, “Хотима” билан якунланган бўлса ҳам, асарнинг асос қисми диалогдан иборат. Ҳажга кетаётган бир бухороли мударрис билан фаранги ўртасидаги савол-жавоб асар ўзагини ташкил этади. Мазкур диалог эса драматик турга хос. Шунинг учун ҳам “Мунозара” каби асарларнинг жанри олимлар томонидан кўпинча аниқ кўрсатилмай, “Асарлар” деган умумий ном билан берилган бўлса, ажаб эмас.

XX асрнинг илк чораги Туркистонда турли хил сиёсий, диний ва бошқа турли мафкуравий курашлар, қарама қаршилиқлар даври эди. Бас, эл бир неча тоифаларга бўлиниб, ўзаро тортишиб, баҳслашган. Вақти-вақти билан ҳатто қонлар тўкилган. Худди шундай зиддиятлардан бири жадиждлар, янги қараш, янги фикр тарафдорлари билан қадимчи-

⁴²Мамажонов С. “Маънавият юлдузлари” китобида. – Т., А.Қодирий номидаги халқ мероси, 2021.

⁴³Фитрат А., Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б. 11.

*Нажиб – ёруғ; айрим ўришларда: юлдуз.



лар, яъни эскини ҳимоя қилувчилар ўртасида кураш кечади. Фитрат “Мунозара”нинг бошланишида ёзади: “Бухоронинг нажиб* миллати бўлган ватандошларим, бирмунча вақтдан буён жаҳид ва қадим ўртасида ихтилоф чиққани баъзи миллат хонларининг хато ва фасодларидан бошқа нарса эмасдир. Муқаддас ватанимизни парчалаб, унинг аҳли жамоасини жаҳид ва қадим унвонлари остида икки фирқага ажратиб, уларнинг бирини иккинчисига душман қилиб қўйдилар.

Хор ва харобилигимизнинг асосий сабаби мусулмонлар туфайли эмас, балки ўша маънисиз ихтилофдан экани маълум бўлди. Бинобарин, ҳар қим ўзини дини мубини исломнинг хизматида билса, уйимизни бузғучи бу ихтилофни биз – бухоролилар орасидан кўтаришга ҳаракат қилсин.

Банда ҳам бу маслаки муқаддаснинг солиқларидан бири бўлгани ҳолда шу кунларда бир ҳикоят ёздимки, бухороли бир мударриснинг ҳажга бора туриб, Ҳиндистонда бир фаранги ила усули жаҳида ҳам усули қадим хусусида қилган мунозараси бўлиб, мазкур ҳикоят ушбу масалани тугал ҳал қилгандир⁴⁴.

Фитрат мазкур асарни элнинг бирлашини умид қилиб, сабоқ бўлсин дея битади. Айни пайтда, асар ўша вақтдаги юрт аҳолидан, унинг таълим вазиятидан, мударрис савиясидан дарак берадики, улар билан танишган ўқувчи Туркистоннинг қоқоқ бир ўлка бўлиб қолиши сабабларини тушунади, беихтиёр бугунги кун билан таққослайди, хулосалар чиқаради. Асардан парча келтирамиз:

Фаранги: Бухоро қандай жой?

Мударрис: Бухоройи шариф қатта шаҳар, қўб илмларнинг маркази ҳам ширин-шарбат меваларнинг қони.

Фаранги: Бухоро шарифлигининг боиси илмларнинг қўплигиданми ё меваларининг сероблигидан?

Мударрис: Мен буларнинг ҳар иккаласини ҳам Бухоронинг шарифлигини билдирувчи мустақил сабаблар, деб биламан.

Фаранги: Бир жойнинг шарифлигига меваларининг қўблиги сабаб бўлмас?

Мударрис: Қўп яхши. Сиз илмларнинг қўплигини Бухоронинг шарифлигига сабаб деб билинг.

Фаранги: Дуруст. Аммо бир мулкнинг илмий қувватини билмак, у ердаги уламолар сонини билмакка боғлиқдир. Бас, айтинг-чи, Бухоронинг жами нуфузи қанча?

Мударрис: Биродар! Мен бир (илм билан) банд одам бўлсам, Бухоронинг қайси қўчаларида юриб, унинг одамларини санабман?!

⁴⁴Фитрат А. Танланган асарлар. – Т., Маънавият, 2000. – Б.46.

Фаранги: Йўқ, йўқ асло! Мен бундай деб айтсам, магар Сизнинг юртингизда жүгрофиё ўқимайдиларми?

Мударрис: Мен мударрис бўлсам, кечалари китоб кўраман, кундузлари дарс айтаман. Қачон қўлим тегибдики, мундай ҳикоят китобларини ўқисам. Мундай китоблар Бухорода йўқ. Бўлганда ҳам (улар) қиссахонлик қурадиган бойларнинг уйларида бўлади.

Фаранги: Жўгрофиё ҳикоят китоби эмас, илмий китоб. Жуда фойдали (бўлиб), бир неч қисмдан иборат. Унинг бир қисмини “истатистик” атайдилар! мунда ҳар мамлакатнинг аҳолиси баён қилинади...

Бундай таълим даражаси билан, жўграфия (география) фанини “ҳикоят китоби” деб билгувчи мударриснинг савияси билан (мударрис, яъни ўқитувчининг савияси шу бўлса, ўқимаган қавм – авомнинг ҳолини тасаввур қилиш қийин эмас!) Туркистон қандай ҳам ривожлана оларди...

Куйроқда фарангнинг: “Бас, айтинг-чи, Бухоронинг жами нуфузи қанча?” деган саволига мударриснинг: “Биродар! Мен бир (илм билан) банд одам бўлсам, Бухоронинг қайси кўчаларида юриб, унинг одамларини санабман?!” дея жавоб бериши юртнинг, элнинг, унинг илғор қисми бўлмиш мударрислар, яъни диний уламоларнинг ўз даврининг етакчи мамлакатларидан, у ердаги илму маърифатдан неча-неча ўн йиллар ортда қолиб кетганини рўйи рост кўрсатади. Энди Фитрат ва бошқа жадидларнинг қандай вазиятда яшаб ижод қилганликларини, шу билан бирга, нега улар бунчалар жон куйдириб, жамиятни ҳар томонлама модернизация қилиш фикру хаёли билан тонг оттириб, кун боттирганликларини тасаввур қилиш қийин эмас.

А. Фитратнинг шу чоккача талай асарлари қайта-қайта чоп этилди. Шулардан Фитрат ижодини нисбатан тўлароқ қамраб олгани – фитратшунос олим, профессор Ҳ. Болтабоев томонидан тайёрланган, 2000 йилдан Тошкентда “Маънавият” нашриётида чоп этила бошлаган беш жилдли “Танланган асарлар” тўпламидир. Ўтган вақт мобайнида профессор Ҳ. Болтабоев Фитратнинг янги топилган, олдинги китобларга қирмай қолган асарларини ҳам қўшиб, 8 китобни ўз ичига олган нашрини изоҳлар билан тайёрлади. Мазкур китоб ана шу тайёрланган, бутунги кун даражасидан келиб чиққанда, энг мукаммал нусхасидан олинди, сиз – азиз ўқувчиларга тақдим этилмоқда.

Ўзбекнинг комусий олими ва адиби Абдурауф Фитрат ҳар қандай миллат ифтихор қилиши мумкин бўлган улуғ сиймо, бас, ундан қолган ўлмас мерос элимиз қўлидаги тафаккур чироғи ўлароқ ёниб тураверади.

2024



ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ (1889-1929)



Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий ҳақли равишда янги ўзбек адабиёти асосчиларидан бири саналади. Бундай мақомга эришиш учун эса ижодкорга истеъдодли бўлиб туғилишнинг ўзи камлик қилади. Бунинг учун у ижодкор сифатида омадли ҳам бўлиши шарт. Яъни унинг истеъдоди билан давр эҳтиёжлари бир-бирига мувофиқ тушмоғи керак. Худди Данте, Навоий, Пушкин зимасига тушган омадли қисмат янглиғ. Шу маънода Ҳамза толеси қулган ижодкор. У Бехбудий, Фитрат, Қодирий ва Чўлпон билан бирга янги ўзбек адабиёти тамал тошини қўйган ижодкорлардан биридир. Номлари зикр этилган улуғларимиз бутун бир миллат олдида давр юклаган улкан, кечиктирилмас муаммоларни, аввало, тўғри идрок этганлар, сўнгра асосийларини муваффақиятли ҳал этганлар. Шуниси билан уларнинг барчаси ижодкор сифатида жуда ҳам омадлилар.

Ўзбек адабиёти кейинги 500 йил мобайнида чинакамга икки туб бурилишни бошидан кечирди. Биринчиси, Навоий ва Бобур даври ўзбек (туркий) адабиёт билан боғлиқ бўлса, иккинчиси, ҳеч шубҳасиз, жадидлар даври адабиёти билан боғлиқ бурилишдир. Эҳтимол, Бехбудий, Ҳамза, Фитрат, Қодирий ва Чўлпонларга насиб қилган истеъдод кучи Навоий ва Бобурнинг даҳоси билан бўйлаша олмас, лекин уларнинг маданият, маънавият, адабиёт, санъат ва илм соҳасида амалга оширган ишлари буюк салафлар хизматидан асло кам эмас. Зеро, жадид боболаримиз ўз зиммаларига давр юклаган миссияни жуда юксак даражада адо этганлар. Бехбудий асосан мафкурада, Ҳамза драмада, Фитрат илмда, Қодирий насрда, Чўлпон эса шеърятда ана шу улуғ вазифани бекаму кўст бажарганлар. Академик Наим Каримов ёзади: “XX аср бошларида туғилган ва шаклланган жадид адабиёти ўз олдида янги адабий бадний вазифа қўйди ва вазифани ўташ жараёнида шу вақтга қадар адабиётимиз хазинасида бўлмаган янги адабий тур ва жанрлар, тасвир васиталари ва усуларининг юзага келишини тақозо этди”.⁴⁵ Бинобарин, бутунги, замонавий ўзбек адабиёти айнан кейинги янгилашниш йўлидан, жадидлар бошлаб берган қутлуг йўлдан ривожланиб бораётганлигининг ўзиёқ адабиётимизда юз берган сўнгги туб бурилишнинг нақадар аҳамиятли эканини кўрсатади. XX ва XXI аср мобайнида адабиётимизнинг деярли

⁴⁵XX аср ўзбек адабиёти тарихи. – Т., Ўқитувчи, 1999. – Б. 538.

барча соҳаларида юз берган асосий ўзгаришлар, янгиланишлар ана шу иккинчи туб бурилиш майдонида содир бўлди ва бўлмоқда, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз. Чунки туб бурилиш бўлиши учун истакнинг ва ҳағто истеъдоднинг ўзи етмайди. Бунинг учун даврнинг қўйнида янгиланиш эҳтиёжи пайдо бўлиши керак. Бехбудий, Ҳамза, Фитрат, Қодирий ва Чўлпонлар ана шундай эҳтиёж туғилган пайтда дунёга келдилар. Гарчанд уларнинг шахсий қисматлари фожеали якун топган эса-да, (биронтаси ўз ажали билан ўлмаган, аксинча, янги ўзбек адабиёти йўлбошловчиларининг ҳаммаси айти ижодлари гуллаган вақтда катагон килинган!) номлари зикр этилган улуғлар ижодкор сифатида чиндан-да бахтлидирлар.

Ҳамза – серкирра ижодкор. Умуман, серкирралик жадид ижодкорларининг аксарига хос. Ҳамза – улуғ драматург, Ҳамза – анъана ва новаторликни бирлаштирган шоир, Ҳамза – бошловчи носир, Ҳамза – ўткир публицист, Ҳамза – моҳир педагог, Ҳамза – миллий композитор, Ҳамза – оташин нотик, Ҳамза – режиссёр, Ҳамза – театр арбоби... Булардан ташқари, халқимизнинг бу фидойи ўғли юртининг келажаги – маърифат, маориф, адабиёт, таълим-тарбия йўлида амалга оширган ишларининг салмоғи жуда оғир тош босади. Бу кутлуғ йўлда Ҳамза молини ҳам, жонини ҳам аямаган. Бу гаплар шунчаки чиройли гаплар эмас. Ҳамза ва у каби ўнлаб улуғ жадидларимизнинг тақдир йўллари чиндан-да бугунги замондош инсонни ҳайратга солишга қодир. Биз ишимизнинг талабидан келиб чиқиб, Ҳамза ижодий фаолиятининг тўрт қиррасига тўхталамиз, холос. Булар Ҳамзанинг драма, шеърят, наср ҳамда публицистика соҳаларидаги фаолиятидир. Қўлингиздаги тўпламда Ҳамзанинг мазкур тўрт адабий жанрда ёзган асарларидан намуналар берилганки, уларни ўқиб, мулоҳаза қилиш асносида адибнинг ҳам босиб ўтган оловли йўлини, ҳам унинг адабиётимиз равнакига қўшган хиссасини чамалаб кўришингиз мумкин бўлади. Ўйлаймизки, танлаб олинган намуналар Ҳамзанинг, бир пайтнинг ўзида, ҳам ислохотчи-курашчи, ҳам санъаткор бўлганлигини англашга кифоя қилади.

Ҳамза драматургияси. XX аср аввалида ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги янгиланишлар асрлар давомида Шарқ мумтоз адабиёти анъаналари руҳида тараккий этиб келаётган ўзбек адабиётида драматик турни пайдо қилди. Драманинг туғилиши ўзбек адабиёти учун худди роман жанри каби янги ҳодиса эди. Ҳамза ана шу ҳодисанинг бошида турди ва ўз драматик асарлари билан ўзбек драматургиясига асос солди. Мадомики, сўз шу масалага келиб такалган экан, Ҳамза ва унинг ўзбек драматургиясидаги ўрни масаласида баҳсли қарашлар борлигини айтиш

жоиз. Хуллас, масала қисқа ва лўнда баён қилинса, шундай ҳолга келади: Мирмуҳсин Шермуҳамедов (“Бефарзанд Очиқдибой”, 1914 йил), Ҳамза (“Янги саодат ёхуд Миллий роман”, 1915) лар роман тажрибасига илк марта қўл ургани ҳолда, биз Қодирийни ўзбек романчилигининг асосчиси, деб атаймиз. Чунки Мирмуҳсин ва Ҳамза роман жанрига Қодирийдан олдин мурожаат қилишган бўлса-да, уларнинг ҳаракатлари бир тажриба, уриниш даражасида қолган эди. Қодирий эса “бир ҳамла”да “Ўткан кунлар” (1924) билан роман жанрининг рисоладаги талабларига жавоб берувчи йирик насрий асар яратган эди. Шунинг учун ҳам Қодирий ўзбек романчилигининг асосчиси дейилади. Ёхуд Навоийдан олдин Ҳоразмий, Лутфий, Атоий, Саккокийлар туркий тилда ашғор битгани билан бу тилдаги улуғ хизматлари туфайли айнан Алишер Навоийни ўзбек адабиёти ва адабий тилининг асосчиси деймиз. Адабиётшунослик илмининг мана шу баҳолаш мезонини драматургия соҳасига тадбиқ қилингудек бўлса, қаршимизда қуйидагича манзара қад ростлайди: гарчанд Махмудхўжа Бехбудий “Падаркуш” (1911) номли 2,5 бетлик пьесаси билан ўзбек адабиётида пьеса ёзиб беришни бошлаган бўлса-да, драматургиянинг бутун талабларига жавоб бера оладиган пьесаларни айнан Ҳамза Ҳакимзода Нисёзий (“Заҳарли ҳаёт” (1916), “Майсаранинг иши” (1926), “Паранжи сирларидан бир лавҳа ёки Яллачилар иши” (1927)) ни ёзди. Булардан ташқари, “Бурунги сайловлар”, “Жаҳон сармоясининг энг охири кунлари”, “Қозининг сирлари”, “Эл қузғунлари” каби 1921 ва 1928 йиллар орасида ёзилган катта-кичик драмалари мавжуд. Бас, шундай экан, Қодирий ўзбек романчилиги асосчиси деган номга қанчалик сазовор ва ҳақли бўлса, Ҳамза ҳам ўзбек драматургияси асосчиси деган унвонга шунчалар ҳақдор ва муносиб бўлиб кўринади. Албатта, ушбу масала юзасидан мавжуд фактларни турли йўсинда таҳлилу талқин этиб, бир-бирига қарама-қарши ҳулосаларни ўртага ташлаш мумкин. Аммо адабиёт илмининг баҳолаш критериялари ҳамма учун бир хил бўлиши адолатдан эканлигидан келиб чиқиладиган бўлса, Қодирийга раво кўрилган адолат мезони Ҳамзага келганда таврини ўзгартирмаслиги лозим бўлади. Албатта, бу жиддий масаланинг бошқа нозик жиҳатлари ҳам бўлиши мумкин. Бундай жиҳатлар истисно қилинмайди. Шунинг учун ҳам соҳа билимдонлари ушбу баҳсталаб масала бўйича асосли, илмий мушоҳадаларини қайтадан ўртага ташлашса, адабиётшунослик ва драматургия кесишган нуктадаги битта муаммога ойдинлик киритилган бўларди. Нима бўлганда ҳам, ҳали драматургиямизнинг ҳам амалий, ҳам назарий саҳнасида амалга оширилиши, ҳал этилиши керак жуда кўп ишлар олдимизда турибди. Бунга, жумладан, Ҳамзанинг драма соҳасидаги ўта салмоқдор ижоди ҳам манба бўлиб хизмат қилади.

Ҳамзанинг 1916 ва 1920 йилларда ёзилган “Бой ила хизматчи”, “Лошман фожалари”, “Фарғона фожалари” каби асарлари йўқолган. Фақат “Лошман фожалари”нинг “Истибод қурбонлари” деган қисми ҳамда “Бой ила хизматчи” драмасининг афишаси сақланиб қолган. Яқин-яқинларгача театрларимизда кўйилиб келган “Бой ила хизматчи” драмасини эса драматург Комил Яшин афишада акс этган мазмун бўйича қайта тиклаган.

Ҳамзанинг ўзбек драматургия соҳасидаги фаолиятини қисқача қилиб, у ўз даври халқ ҳаётини кўзгуга солиб кўрсатиб беришнинг уddасидан чиқди, дейиш мумкин. Бу эса, барча замонлар ижодкорининг муқаддас орзуси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ҳамзанинг энг сара драмалари ҳозиргача сахна юзидан тушмай келмоқда.

Ҳамза публицистикаси. Ҳамза ҳар жиҳатдан симобдек қайнаб турган замонда яшаган. Ҳамза каби ўнлаб жадидлар меросини ўрганишда, меросга илмий жиҳатдан ёндашиб, умумлашма хулосалар чиқаришда мана шу омилни доимо назарда тутмоқ керак. Чунки жадидлар ўз даврининг уриб турган қон томирига ташхис бамоғини қўйиб, сўнг уни даволашга киришган улўғ табиблар эди. Бунга иқрор бўлиш учун Ҳамзанинг 40 йиллик қисқа ҳаёти мобайнида қолдирган салмоқли меросини, хусусан, давр муаммоларига бағишланган публицистикасига назар ташлашнинг ўзи кифоя. “Битъатми, мажусиятми?”, “Фақирлик нимадан ҳосил ўлур?”, “Мақтаби дор ул-айтом”, “Қалбга билимни(нг) йўлини очайлик”, “Йиди қурбон”, “Жума қандоқ кун?”, “Хутбадан мурод нима?”, “Маҳаллий сармояни кучайтириш чоралари”, “Театр труппаси ва онг-билим кўмитаси”, “Миллат маърифат билан тирик” каби ўнлаб публицистик мақолалари борки, уларнинг номлариёқ Ҳамзанинг давр муаммоларига қанчалар катта аҳамият берганини кўрсатади. Ҳамза ўз мақоларида юрт ва халқ камолини тилайди, элу юрт ривожини йўлида тўсиқ бўлаётган ҳар қандай масалага оловли муносабат билдирди. Бундай тўсиқлар илдизи халқ зехниятида асрлар давомида танда қўйган жаҳолатга бориб тақалади. Жоҳиллик одамларни асл диндан кўра битъатга, билим олишга интилишдан кўра хурофотга, ўз эркига эга бўлиб, хур яшашдан кўра бўйинтуруғини диндорлар ва бойлар қўлига тутказиб қўйиб, қулдек кун кечиришга етаклашини аёвсиз танқид қилади. Жадидлар ҳаракатининг дастури билан ҳамоҳанг ушбу муаммолар Ҳамза меросининг ҳам мундарижасини белгилаш билан бирга, унинг кадр-кимматини янада оширади. Биз тўпламга ажратилган ҳажм имкониятидан келиб чиқиб, Ҳамза публицистикасидан икkitасинигина танлаб олдик. Булар “Миллат маърифат билан тирик” ҳамда “Фақирлик

нимадан ҳосил ўлур?” деб номланган мақолалардир. Мақолалар билан танишар экансиз, юрт ва миллат кайғуси билан яшаган, нафакат яшаган, балки бу кайғу йўлида ҳаётини тиккан Ҳамзанинг ёниб турган маърифатли юрагини ҳис қиласиз, тушунасиз, ҳайратланасиз. Чунончи, унинг “Миллат маърифат билан тирик” деган мақоласидан олиingan ушбу парчада миллатнинг нега бундай забун қолга тушиб қолгани сабабларини кўрсатади: “Ҳар миллатнинг аҳолиси бир атонг боласи каби ўлур. Демак, хусусан бизим ислом миллатининг бир-бирларига биродарликлари қуръони қаримда “Иннамо ал-мўъминина аҳвату фаслиху бин аҳвикум” ояти била таклиф қилингондир. Мана биродарлар орасидаги бутз, нифок, кийн, адоват, борлиқ, йўқлик, очлик, тўқлик, шодлик, ғамлик каби турлик-турлик паришонликлари надан эканлигини имтиёз қила олурсизми? Ёки худойи таоллони иродаси дебгина қўясизми? Бокинг яхудий, арманиларга! Буларни ҳам бу қадар давлат ва тараққийларга молик ўлмоқлари ҳам худойи таоллони иродасими? Йўқ, жаноби ҳақ ўзига энг эътибор саналган ислом миллатини бошқа миллатлардан бу қадар тубан даражадаги ғаддорликларга қолдирмас! Жаноби ҳақнинг золимлик сифатлардан пок ва манзаралиғи ҳар бир не басорат унунда ой ва қуёшдан равшандир. Ҳушёр бўлунгиз! Англанигиз! Тингланигиз! Бориғина бизим миллатнинг бу қадар оғир ҳоллар ва камчиликларга қолғонига энг биринчи модда ва иллат нима, деб эшиттон товушга туксиз маъдан ва маҳвани ислом очикчи ўлгон илк ва маърифатни қўлимиздан йўқотганимиздир, демоқдан бошқа чора ва жавоб йўқдир”⁴⁶.

Ҳамзанинг “Фақирлик нимадан ҳосил ўлур?” деган мақоласида кўтарилган масала ҳам юқоридаги қарашларнинг давомидек жаранглайди ва чуқурроқ ўйлаб кўрилса, мақола ҳатто бугунги кунда ҳам ўз долзарблиғию аҳамиятини йўқотмаганлиғига гувоҳ бўламиз.

Ҳамза насри. Давр кайфиятини акс эттирар экан, Ҳамза замон эҳтиёжидан келиб чиқиб насрга ҳам мурожаат қилди. Насрий турда унинг икки асари сақланиб қолган. “Янги саодат” ва “Учрашув”. Уларни Ҳамза “миллий роман”лар деб атайди. Албатта, бу асарлар роман жанрининг талабларига тўла жавоб бера олмас эди. Лекин айтиш жоизки, романнинг барча талабларига тўла жавоб бера оладиган “Ўткан кунлар”нинг (Абдулла Қодирий) яратилиши учун ўзбек адабиёти мана шундай тажрибаларни бошидан кечириши керак эди. Ҳамза “роман”лари Мирмуҳсиннинг “Бафарзанд Очиқдибой” асари билан бирга ана шундай “эксперимент” вазифасини ўтади ва эндиликда биз бу асарларни сира икkitиланмасдан ўзбек романчилиғи мактабининг дастлабки уринишлари,

⁴⁶Ҳамза. Тўла асарлар тўплами. – Т., Фан, 1989. Б. – 290.



дея оламин. Ҳамза “Янги саодат” деб номланган “миллий роман”и бошланмасида шундай сўзларни ёзади: “Бизим Туркистонда мусулмон эру хотунларимизни йиғирма ёшдан юқорида бўлуб ўқуғонларини аксари эмас, балки ҳаммалари деярлик эски мактабларда эски имло ва усулда хат ва саводлари чиққан учун ҳозирги матбуотда янги усул, янги имло била ёзулуб босилуб чиқуб турган мактаб китобларига, жарида ва рисоаларга тездан тушуна қолуб ўқий олмаганлари ҳар биримизга равшандур. Бу рисола эса мактабга махсус ўлмай, балки қора халқимизни эру хотунлари орасида ўқулуб турган “Жамшид”, “Зарқум”, “Алдарқўса”, “Баёз”, “Далли Мухтор”, “Гуландом”, “Афанди” каби бутун хурофот ва ахлоқни бузадирган асоссиз китоблар ўрнига истифодалик бир кироат рисоласи бўлурмикин, деган ҳаёл била ёзилган учун аларни ўқуб тушунмоқларига шояд осон бўлур эди, деб бутун эски имло ва эски усулда тартиб берилди ҳамда соддароқ ёзилди. Баъзи янги матбуот ошнолари бўлгон фикрдош, миллатдош соҳиб ал-таҳрир ва ал-қалам қоринларимиздан бу рисоламни имло ва таҳриридаги келишмаган бир хил жойларин айбга санамай, тараххум узхасидан афу қилмоқ баробарида лутф-шафқат узасидан хусусий мактуб ила огоҳ қилмоқларин ўғинаман. Чунки бу рисола иккинчи таъбилярида ёхуд қўлимда ёзилуб турган ва ёзилган рисоаларимни нуқссиз ўлмоғига шояд сабаб ўлур эдилар (ал инсону муштақан мин ал нисён)”⁴⁷.

Эътибор берилса, Ҳамзанинг бу изохи А. Қодирийнинг “Ўткан кунлар” сўзбошиси мазмунига жуда ҳам ҳамоҳангдир. Тўғрироғи, Қодирийнинг фикри Ҳамзанинг фикрига мувофиқ жаранглайди. Чунки Ҳамза “миллий роман”ини Қодирийдан қарийб 10 йил муқаддам ёзган эди. Қодирий эса: “Модомики, биз янги даврга оёқ қўйдик, бас, биз ҳар бир йўсинда ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашишимиз ва шунга ўхшаш дostonчилик, рўмончилик ва ҳикоячиликларда ҳам янгаришга, халқимизнинг шу замоннинг “Тоҳир Зухра”лари, “Чор дарвеш”лари, “Фарҳод Ширин” ва “Баҳромгўр”лари билан таништиришга ўзимизда мажбурият ҳис этамиз”⁴⁸ дейди. Демак, ҳар икки адиб ҳам даврнинг янгиланганлиги туфайли шу даврга мос асарлар битишни ўз олдлари турган вазифа билиб қалам тебратмоқда.

Булардан ташқари, Ҳамзанинг яна “Ҳақиқат нима?” деган асар ёзганлиги, лекин қўлёзма нашр бўлмай йўқолгани ҳақида маълумот бор. Чунончи, “Шоиримиз Ҳамза Ҳакимзоданинг қисқача таржимаи ҳоли”да “Ҳақиқат нима?” деган бир зўр асар ёзгон бўлсада, таъб эттира олмай

⁴⁷ Ҳамза. Тўла асарлар тўплами. – Т., Фан. 1988. Б. – 399.

⁴⁸ Қодирий А. Ўткан кунлар. – Т., Адабиёт ва санъат, 1994. – Б. 6.



йўқотгон”⁴⁹ деган маълумот келади. Бу ҳақда Ҳамзанинг ўзи “Таржимон ҳол”ида “...эски подшолар турмушидан бир “Ҳақиқат кимда?” исмли ҳавосиз опералик роман ёзган эдим, ўғурлатдим, бугунки, топилмайди”⁵⁰ деб ёзади. Чунки замон ғоят алғов-алғовли эди. Ҳамзанинг ўзи ҳам гоҳ мактаб очаман деб, гоҳ халқ маърифати йўлида хизмат қиламан деб, гоҳ театр ташкил этаман деб доимо сафарларда юрган, ҳаётнинг кайноқ кучоғида оқимга қарши ҳўп сузган. Бинобарин, жадид ижодкорнинг ўзига яраша дўст-душмани кўп бўлган. Боз устига, “Ҳиндистон, Макка, Мадина, Шом, Бейрут билан саёҳат қилиб, Стамбулга ўқишга келган бўлсам ҳам...” деган эътирофларидан Ҳамзанинг бир қанча хорижий мамлакатларни кезиб келгани ҳам маълум бўлади. Бундай талотўп ва саёҳатларнинг ичида, тарафдор ва рақибларнинг даврасида ўша асарнинг йўқолгани ҳақидаги маълумот кишида шубҳа уйғотмайди.

Ҳамза шеърини. Жадидлар шеърининг яловбардори Чўлпон эсада, Ҳамзанинг таржимаи ҳоли айнан шеъринида кўпроқ намоён бўлган, дейиш мумкин. Чунки шеър – мобил жанр. Унда шоир имкон топди дегунча қисқа вақт ичида ўз ҳис-туйғуларидан тортиб, ижтимоий, сиёсий, мафкуравий, маърифий ғояларини бирин-бирин қозога тушириб қўйверган. Чоп-чопларнинг орасида аксар ҳолларда шеърларни қайта ишлаш имкони бўлмаганидан мазмун ва шакл мутаносиблиги жиҳатидан қисмига етмаган машқлар кўплаб учрайди. Қатъи назар, Ҳамза шеърлари унинг босиб ўтган йўлларида гувоҳлик бериб туради. Шунинг учун ҳам биз қуйида Ҳамзанинг айнан шеърлари таҳлилига кўпроқ ўрин берамизки, мақсадимиз уларнинг мазмунини англаш воситасида Ҳамза яшаган давр моҳиятига теярроқ кириб боришга уринишдир.

XX юзйиллик ибтидосида миллатнинг тафаккур гуллари маърифатсизликни юртнинг энг оғрик нуқталаридан бири деб билдилар. Шунинг учун ҳам улар истеъдодларини элни ўқимишли қилишга бағишладилар, бу йўлда вақтлари, кучлари, маблағлари ва ҳатто жонларини ҳам аямадилар. Улар халқнинг маърифатли бўлишини юрт равнақи ва миллат тараккийсининг асоси, деб билдилар. Оқибат – адабиётда маърифатли киши образи пайдо бўлди. Авлоний, Сўфизода, Ибрат, Ҳамза, Фитрат, Чўлпон каби қатор шоирларнинг ижодида шу ғоя қайта-қайта ишланди.

XX аср бошида жамият ҳаётидаги ўзгаришларнинг ҳаммаси тубжойининг ўз турмуш тарзи, диний эътиқоди, маданияти, дунёқараши

⁴⁹ Ҳамза. Тўла асарлар тўплами. – Т., Фан. 1989. Б. – 307.

⁵⁰ Ҳамза. Тўла асарлар тўплами. – Т., Фан. 1989. Б. – 294.

билан гўё бир қозонда қайнади. Бу «қайнов» инсоннинг онгигагина эмас, балки қалбигача кириб борди ва уни ўз таъсирига олди. Хуллас, юракларгача кириб борган ҳодисанинг умумий номи мафкура - жадидчилик мафкураси эди. Энг муҳими, аср бошидаги Туркистон шароитида ҳақли равишда илғор саналган ғояларни ўзида жам этган бу мафкурани халқнинг илғор қисми англаган тарзда, қалб амри билан танлаб олганди. Шунинг учун ҳам аср аввалиданоқ адабиётга ғоялар кириб келди ва бу ҳеч эриш туюлмади. Чунки энди «қандай яшаймиз, қайси йўлдан борамиз, кимга, нимага эргашамиз?» деган савол ва унинг жавоби ҳақидаги ўйлар давр кишиси психикасининг ажралмас бир қисмига айланганди. Айни сабаб адабиётнинг (шеърининг) тез суръатлар билан мафкуралашиб боришига имкон яратди. Чунки шеърларда тобора кўп ва чуқур акс этиб бораётган сиёсий-ижтимоий кайфияту қарашлар китобхон эстетик дидига уйғун тушди. Шунинг учун ҳам Ҳамза, Чўлпон, Фитрат, Авлоний ва бошқа шоирлар шеърининг асосини ижтимоий мавзулар ташкил этди.

Ниҳоят, ўзбек шеъринида Чўлпон исми билан боғлиқ чинакам ҳодиса туғилди. Бироқ, эътибор берилса, ҳатто у ҳам бармоқ вазнида ўзини мутлақо бемалол ҳис қилмади, ўрни билан анъанавий шаклларда ҳам қалам тебратди, бир сўз билан айтганда, шеърини «асос-асосларидан ўзгартириш» заруратини теран ҳис қилган ҳолда излаганди. Давр руҳига мос оҳанглару шакллар излади. Айтмоқчимизки, масалан, шеъринидаги вазн алмашинуви Фитрат, Ҳамза, Чўлпон каби шоирларнинг истаги билангина ўз-ўзидан ва бирданига рўёбга чиқиб қолмай, жамиятда стилиб келган янги ижтимоий-психологик кайфият орқасидан секин-аста вояга етган адабий ҳодисадир. Чунки янгиликларни ҳамма соҳада кечаётган эди. Қодирийнинг «янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашил... янгиликлар... ўзимизда мажбурият ҳис этамиз»⁵¹ дегани, Чўлпоннинг «Кўнгил бошқа нарса – янгилик қидирадир»⁵² деб ёзишлари шу сабаб билан изоҳланади. Ҳамза роман машқлари аввалида ёзди: «...Зеро, Қодирий ҳам, Чўлпон ҳам давр руҳини акс эттирувчи янги адабиётни орзу қилмоқда ва уни яратишга чоғланмоқда».

Давр руҳини акс эттирар экан, шеър мафкуралашиб борди. Албатта, бундай руҳли шеърлар уйғонаётган давр учун сув ва ҳаводек зарур эди. Улар вақтида ўз хизматларини аъло даражада ўтадилар. Қолаверса, Шарқ адабиёти ўзининг азалий моҳиятига кўра насиҳат асосига қурилгандир. Бироқ ўша даврдаёқ адабиётга яна бир бошқа, юксак

⁵¹Қодирий А. Ўткан кунлар. – Т., Адабиёт ва санъат, 1994. – Б. 6.

⁵²Чўлпон А. Адабиёт надири. – Т., Чўлпон, 1994. – Б. 58.

мезонлардан туриб ёндашув ҳам бўлганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шу муносабат билан профессор Озод Шарафиддинов ёзди: «... айрим жадид ёзувчиларининг ижодида ғоялар тарғиботида кўпроқ эътибор берилиб, бадият масалалари кейинги ўринга тушиб қолган эди. Натижада санъатнинг энг муҳим шартларидан бўлмиш мазмун билан шакл бирлиги путур ета бошлаган, ғоявийлик бадият ҳисобига устувор ўрин эгаллай бошлаган эди. Бу нуқсон нафақат Ҳамза, Сиддикий ёхуд Авлоний асарларида, ҳатто жадидчилик ҳаракатининг энг йирик сиймоси Маҳмудхўжа Бехбудий ижодида ҳам кўзга ташланади».⁵³

Жадид шеъринида энг кўп қаламга олинган мавзулардан яна бири – Туркистоннинг, миллатнинг мавжуд аҳволи мавзусидир. Мавзу талқинидаги умумий жиҳатни қисқа қилиб, мавжуд ижтимоий воқеликдан қониқмаслик ҳиссининг устуворлиги, дейиш мумкин. Бу мавзудаги шеърларнинг барида Туркистоннинг жаҳолат ботқоғига ботгани, бу аҳволда қолоқлик домида қолиб кетиши муқаррарлиги таъкидланади ва бундайин яшап инсонлик шаънига номуносиб деган ғоя ўтказилади:

Биздек ҳеч миллат борму зиллатга ботган,

Сафоҳатга алдануб ифқат йўқотган.

Фироринида тик ётур ихват ўргатган,

*Жаҳду бидъат захрини шарбат кўрсатган».*⁵⁴

Жадид шоирлар ҳолатни қайд этиш билангина чекланмай, унинг юзага келиш сабабларини таҳлил, мушоҳада этадилар. Ва шу таҳлилу мушоҳадалар натижаси ўлароқ яна бир муҳим ғоявий-тематик йўналиш – юртдаги мавжуд қолоқлик сабаби бўлган ижтимоий ҳаётдаги иллатларни фош этиш йўналиши вужудга келади. Эътибор қилинса, жадид шеърини намуналарида кўпинча ошқора ё пинҳон тарзда «нега бу забун ҳолга тушиб қолдик?» деган савол қўйилганини кўриш мумкин. Албатта, ҳар бир шоирнинг ўз нуқтан назари бор, лекин жадид шоирлар кўрсатаётган сабабларнинг умумий номи – жаҳолат. Жадид шеърини талқинида бу сўзнинг қамрови жуда кенг бўлиб, зоҳирий сабабларнинг ботинида жоҳиллик ётади. Масалан, даврининг энг сермахсул жадид шоирларидан бўлган Ҳамзанинг бир шеърда келтирилган сабаблар мана булар: 1. «Муллоларнинг талоши вақфи масжид, тўй оши...» 2. «Эшонлар тўплаб олгун... Маншадда куну тун...» 3. «Бойлар масрур бидъатдан... Хабарсиздур миллатдан...» 4. «Ўйин бирла ўғлонлар, зин-

⁵³Чўлпон. Адабиёт надири. – Т., Чўлпон, 1994. – Б. 14.

⁵⁴Ҳамза. Тўла асарлар тўплами. 2-том. – Т., Фан, 1988. – Б. 7; бундан кейин шу нашрдан кўчирма олинганда қавс ичида жилд ва саҳифа кўрсатилади.

донда киз-жувонлар, Маърифатдан безгонлар...” 5. “Бизни мактаб жадвали – баччабозлик усули, Билмас на дардин йўли...” 6. “Баёз” дур журнолимиз, “Жамшид” дур рўмонимиз, Шулу ўқиб билгонимиз...” 7. “Қачон илмсиз қолдик, мақсада етмай толдик, Мундоқ ҳоллара қолдик...” [II, 18-19] Туркистон ҳаётидаги иллатларни бир-бир санаган Ҳамза “мундоқ ҳоллара қолиш” сабаби илмсизлик – жаҳолат деб кўрсатмоқда. Айтиш керак, Ҳамза ҳам илмсизликни бошқа жадидлар каби тушунади. У халқ буткул саводсиз ёки ўқимайди демайди, ўқигани “баёз” лару “Жамшид” кассаларидан нарига ўтмаганига қуяди. Жадидчилик ғоялари контекстида фикрлаётгани учун Ҳамза “Баёз” дур журнолимиз, “Жамшид” дур рўмонимиз, Шулу ўқиб билгонимиз...” дейиш билан чекланади. Чунки жадид адабиёти, публицистикаси контекстида бу сатрларнинг маъноси кенгайди. Жадид нашрларида газета-журналлар, “театру ва рўмон китоблари”нинг аҳамияти ҳақида кўп ёзилган. Яъни, янги шароитда халққа янги билимлар зарур, уларга эга бўлиш учун журналлар, рўмонлар ўқимоқ керак, шундагина дунё аҳволидан хабардор бўлинади, ақс ҳолда ғафлатда қолинади. Шоир афсус-ла қайд этмоқдаки, ақсарият юртдошлари ҳамон эски кизикишлар доирасидан чиқа олмайди ва бу жаҳолат омилларидан биридир. Ҳамзанинг бу сатрлари Чўлпоннинг машҳур “Адабиёт надир?” номли мақоласидаги “Агарда “баёз” ва бемаъни бир-икки донда китоблар ила қолсак, маҳву инкирозий бўлурмиз”⁵⁵ деган ташвиш билан ҳамоҳанг. Иккала шоир ҳам, бошқа жадидлар каби, илмсизлик орқасида одам мавжуд аҳвол ҳақида ўйламайди, уни тузатиш тadbирини тутмайди ва натижада шахсий манфаатлари, маншати қулига айланади, деб ҳисоблашади. Шеърда танқид қилинган муллолару эшонлар, бою боёнлар илмсизлик, жаҳолат сабабли шу кўйга тушганлар. Шу ўринда жадид шоирлари бойлар ва руҳонийларни анча кескин танқид қилганларини таъкидлаш ва, айни чоғда, бу танқиднинг шўро адабиётидаги танқиддан тубдан фарқлинишини айтиб ўтиш зарур. Фарқ шуки, шўро адабиётида булар синфийлик ва даҳрийлик мавқеларидан танқид қилинган бўлсалар, жадид ижодкорлар бу ўринда ҳам ижтимоий идеалдан, миллат тараққийси нуқтаи назаридан келиб чиқади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бошқа жадид шоирлари ҳам юрtdаги таназул омилларини, асосан, Ҳамза кўрсатган сабабларда деб биладилар. Бу эса яна улардаги ижтимоий мақсад-интилишларнинг умумийлиги, уларни бирлаштирувчи ғоялар тизими – жадидчилик мафкураси бўлгани билан изоҳланади.

⁵⁵ Чўлпон. Адабиёт надир. – Т., Чўлпон, 1994. – Б.35-36.

Жадид шеърлятидаги юқоридагилардан келиб чиқувчи яна бир ғоявий-тематик мотив таназулдан чиқиш йўлларию ҳаётни ислоҳ қилиш ҳаракатига даъватдир. Таназулдан чиқишнинг бош йўли масаласида жадид шоирларда яқдиллик қузатилади, уларнинг ҳаммаси жаҳолатни маърифат воситасида енгитиш мумкин деб билишади. Жумладан, Ҳамза “Энди илмсиз яшамок гумон” [II, 28] лигини таъкидлаб, “Чора шулу мактаб очайлик...” [II, 14] дейди. Авлоний “Маориф-ла фунун тахсилани қил раҳнамолиғ сан, Қоронғуда қолан миллатни нури илма иршод эт” [I, 152] деса, Фитрат “Орқадослар, тўпланайлик жажлнинг уйин йикқали, Эл кўзин олган қоронғу пардаларни йиртқали” [I, 42] деб ёзади. Учала шоир даъвати ҳам ҳаммаслақларга қаратилган: Авлоний уларни “сохиби ирфон”, Фитрат “илм эрлари” деб атади. Замона бу одамлардан, умуман, кўзи очик виждонли инсонларнинг баридан фидойилик талаб этади, жадид шеърляти шунга даъват қилади:

Миллат деган кимса суймас дунёни,

Мол ила жон ила бўлур қурбони” (Ҳамза) [II, 15].

Ҳамзанинг миллат учун дунёни унутишга даъвати бежиз эмас. Бу Ватан, миллат тушунчалари жадид шеърлятининг идеалига айлангани, мумтоз адабиётдаги поэтик образлар янгича, ижтимоий мазмун касб эта бошлаганидан далолатдир.

Туркистонда жадидчилик ҳаракати ва жадид адабиёти баравж ривожланган давр сифатида тақрибан октябрь тўнтаришигача бўлган ўн йилликни кўрсатиш мумкин. Қисқа, лекин ғоят шиддатли ва зиддиятли ҳодисаларга бой бўлган бу давр жадид зиёлилар дунёқарашида жиддий ўзгаришлар ясади, оқибатда уларнинг бир қисми шўро томонига ўтди, бир қисми унга муҳолифатда турган бўлса, бошқа бир қисми муроса йўлини танлади. Бунинг сабаби, Б.Қосимов айтганидек, бевосита “шонли инкилоб” йиллари унинг фожиали оқибатлари жуда кам кишининг ҳаёлига келди. Деярли ҳамма инкилобнинг тантанавор оҳангларига масту мустағрик эди, ихтиёрсиз у билан баравар қадам ташларди”⁵⁶. Иккинчи томондан, шўро жар солиб эълон қилган мақсадлар ва энди-энди амалга оширила бошлаган ишлар қай бир жиҳатлари билан жадидлар кўзлаган мақсадларга мувофиқ ҳам эди. Жумладан, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи ва ўзаро тенглиги, хотин-қизлар тенг ҳуқуқлилигининг эълон қилиниши, ер ислоҳоти, маориф, маданият, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ишлар ва ҳ. Масалан, Ҳамзанинг 1918 йилда ёзилган “Уйғон” номли шеърдан олинган қуйидаги парчага қаранг:

⁵⁶ Ўша асар. – Б.289.



Яшасун мактаб, шоғирдлар ўқисун.
Эски турмушлар, ваҳшатлар йўқолсун!
Эру қизлардан етишиб ходимлар,
Элга ҳақиқий маориф тарқатсун! [II,157]

Агар шу парчанинг ўзини жадид шеърятти намунаси сифатида тақдим этилса, кўпчилик эътирозсиз қабул қилса керак. Ёки шу шеърдаги "Битсун қонхўрлар, мустабид тўралар, Бир тўп доқа салла, узун сурралар!" сатрлари ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Шоир Туркистонни уйғонишга чорларкан, "Бу кунда ҳам истикболдан кўз юмсақ, Биздан ному нишон сўнгра қолурми?" дея огоҳлантиради. Ва ўша истикбол, халқининг келажаги йўлида "Шахсий ишларимиз ташлов кун бугун, Қора элларни оқартирмоғлиг учун, Белни маҳкам боғлаб ишлов кун бугун" [II,158] дейди. "Ер ислохоти" [II,182] шеърда ернинг фойдаси илгари "Бой эшонлар кассасига", энди эса "Ишчи-деҳқон фойдасига" кетишини таъкидлайди. Жадидлар Туркистоннинг унумли еридан келадиган фойданинг ҳузурини миллатга иона бермайдиган, унинг равангини ўйламайдиган бойлар кўраётганидан кўп афсус чекканлар. Демак, шоир ер ислохотидан ҳам маълум қаноат ҳосил қилиши ажабланарли эмас. Айтмоқчимизки, Авлоний, Ҳамза, Сўфизода каби жадид ижодкорларнинг шўрога хайрихоҳ бўлганлари қарашлардаги муштарак томонлар билан ҳам изоҳланиши керак. Улар шўро сафидаги фаолиятларини маълум даражада жадидчилик фаолиятларининг давоми ўларок тушунганлар. Табиийки, уларнинг октябрь тўнтаришидан кейинги Туркистон воқелигига муносабати ҳам шунга мос. Жумладан, ҳамон ўзини юрт истикболи учун курашда ҳис этаётган Ҳамза "попоқ қийган қахрамон"га қарата "Темур панжанг бирлан тўк Душманингдан қон!" дея хитоб этади. Чунки:

Басдур шунча йил чеккан
Кулфату хўрлик!
Золим бойлар ҳақинга
Қилди ҳар зўрлик [II,167]. –

деб билладик, бунда шоирнинг ўзи ҳақ йўлда эканлигига ишончи барқ уриб туради. Шоирнинг бу ишончи эса "Бузамиз эски турмушни, хурофотни, бидъатни, Тузамиз янги турмушни замон ичра" [II,170] қабилдаги мақсад билан белгиладик, у мохиятан жадидчилик кўзлаган мақсадга зид эмас. Лекин бу сиртдан қарасагина шундай. Аслида, энди Ҳамза шеърларида ҳаётдаги ўзгаришларга мос ғоявий-тематик силжишлар юз берган ва уларнинг асосийлари мана булар: 1) илгари у миллат манфаатларини кўзлаган бўлса, энди ишчи-деҳқон



манфаатини кўзлайди; 2) илгари мақсадга етиш воситаси деб маърифатни тушунган бўлса, энди кучга – зўрликка топинади.

Ҳамзанинг октябрь тўнтаришидан кейинги шеърларини кўздан кечирсак, уларни ғоявий-тематик жиҳатдан, асосан, тўртта гуруҳга ажратиш мумкин бўлади: 1) янги тузумни олқишлаш, унинг ғалабаси учун курашга даъват руҳидаги ("Ҳой ишчилар", "Биз ишчибиз", "Ишчилар уйғон", "Уйғон", "Яшангиз ишчи деҳқонлар", "Қизил аскарларга бағишлаб" ва б.) шеърлар; 2) жамиятдаги айрим ислохотлар ("Ер ислохоти", "Ол, деҳқон ўртоқ, қўлингга ерни") мавзусидаги шеърлар; 3) хотин-қизлар озодинги мавзусидаги ("Ўзбек хотини тилидан", "Ўзбек хотин-қизларига", "Озод хотин-қизлар қўшиғи", "Бу кун – 8 март", "Хотин-қизлар овози" ва б.) шеърлар; 4) янги тузум нуқтан назаридан ёзилган ҳажвий-сатирик ("Бир шарманда тилидан", "Бир қўрқоқ "масъул ишчи"нинг тилидан", "Ёдимга тушди" ва б.) шеърлар. Албатта, Ҳамза шеъряттида давр воқелиги, руҳи акс этмади эмас, акс этди. Лекин қандай? Бизнингча, бу шеърларда воқелик алоҳида шахс – Ҳамза нигоҳи орқали эмас, балки у мансуб ижтимоий гуруҳ нигоҳи орқали акс этди. Яъни уларда шеърнинг жавҳари бўлган лирик "мен"ни лирик "биз" сикиб чиқарди. Бу эса воқеликнинг бир ёклама кўрилиши ва баҳоланишига олиб келди. Йўқса, Чўлпонни ўртаган "кўнгли каби йиқик уйлар, кишлоқлар"у "найза бошидаги гўдақлар"ни Ҳамза ҳам кўрган эди. Аммо, Чўлпондан фарқ қилиб, "биз" сафида курашга кирган Ҳамза бундай ҳолларга "кураш қурбонсиз бўлмайди" ақидасидан келиб чиқиб ёндашади. Натижада ижтимоий дард шахсийланмайди, Ҳамзанинг шеърлари чинакам ижтимоий лирика даражасига кўтарилолмай, мафкуравий шеърят даражасида қолиб кетади. Бошқача айтсак, Ҳамза инкилобдан кейин шахс-шоир мақомига кўтарила билмади.

Шу ўринда бир нарсга алоҳида эътибор қаратишни истардим. Қарашлари Фитрату Чўлпонлардан қанча фаркланмасин, Ҳамза ҳеч бир шеърда кечаги ҳаммаслақлари – жадидларга муҳолиф сифатида қарамаган, уларга қарши фикрий уруш очмаган. Бунинг сабаби, бизнингча, Ҳамза ўзининг шўро сафидаги фаолиятини маълум маънода жадидчилик фаолиятининг давоми ўларок тушунгани билан изоҳланиши мумкин. Яъни Ҳамзада ҳамон ўша мақсад йўлида ҳаракат қилмоқдаман, фақат унга етиш йўлини ўзгартирдим, деб ҳисоблашга асос бор.

Ҳамзадан фарқ қилиб, шеърятга 20-йилларнинг ўрталарида кириб келган авлод Фитрату Чўлпонларда ўзининг ғоявий муҳолифини кўради. Жумладан, шу авлод вакили бўлган Ғайратий "ғоявий кураш кескин давом этаётган бир даврда адабиёт майдонига кириб келди

ва ижодининг илк саҳифасидаёқ ҳеч қанақа иккиланмай марксистик позицияда мустаҳкам турди⁵⁷.

Негаки, “миллатни уйғотиш” мақсади имкон қадар кенг оммага мурожаат этишни, бу эса тилнинг халқчиллашувини такозо этади. Натижада мумтоз шеърятда қатъий амал қилинган қоидалар ўз кучини йўқота бошлади, ижод амалиёти норматив поэтикани инкор қила бошлади. Мазкур тенденцияни Ҳамза ва Авлонийларнинг ижодий тадрижида яққол кузатиш мумкин. Жумладан, “Девон”ида мумтоз поэтик қоидаларга асосан амал қилган Ҳамза “миллий шеърлар”идан бошлаб улардан чекина бошлайди ва бу чекиниш йилдан йилга, тўпلامдан тўпلامга кучайиб боради. Худди шунга ўхшаш ҳолни Авлонийнинг “Адабиёт ёхуд миллий шеърлар” мажмуасининг 1909 йилда чоп қилинган биринчи жуъи билан кейинги жуъларини киёслаганда ҳам кузатиш мумкин. Ҳолбуки, масалан, девон Ҳамзанинг мумтоз шеър техникасини мукаммал эгаллаганини кўрсатади. Яъни шоир анъанавий йўлда ҳам яхшигина шеърлар ёзавериши мумкин эди. Бирок, бир томондан, давр руҳини ифодалашдек ижодий-руҳий эҳтиёж, иккинчи томондан, шоир кўзлаган ижтимоий мақсад уни анъаналардан чекинишга олиб келади. Ҳамза “Қизил гул”га ёзган сўзбошида тўпلامга кирган “шеърларда баъзи узун-қисқаликлари ҳамда адабиётдан йироқлигини кўруб, адабиёт илмидан бутун деярли хабарсиз киши эканми деючи зотларга қарши бу адабиётдан хабарсизлик эмас, қора элимизни тушунувина ўнғай бўлсин учун” [II,33] дея изоҳ бериб ўтишни лозим топади.

Адабиётшунослигимизда бармоқда шеър битишни ким бошлагани хусусида турлича фикрлар мавжуд. Айрим адабиётшунослар бунда Ҳамзани, бошқа бирлари Авлонийни, баъзилари Фитратни, тагин бирлари Чўлпонни кўрсатишади⁵⁸. Лекин аруздан бармоққа ўтиш анча илгари – XIX аср охиридан бошланган жараён бўлиб, бунда Муқимийдан бошлаб юқорида саналган шоирларнинг ҳаммасининг ҳам ўзига яраша катта хизмати бордир. Бирок, эътибор беринг, улар ҳам бирданига бармоқ вазни уммонда қулайлик билан сузиб кетишмади, балки изланишди. Ҳаммалари арузда ҳам ҳам ёзишди, аруз имконларини

⁵⁷Қаюмов Л. Давр ардоқлаган шоир // Ғайратий. Танланган асарлар. 2 томлик. Т.1. – Т., 1973. – Б.5.

⁵⁸Qosimov B. Oq tonglarni orzulagan shoir // Abdulla Avloniy. Tanlangan asarlar. 2 jildlik. 1-jild. – Т., Ma'naviyat, 2009. – Б.61; Аҳмедов Ш. Ҳамза лирикасининг хусусиятлари. Фил.фан.ном...дисс. – Т.,1992; Фитрат. Аруз ҳақида. – Т.,1936. – Б.20; Саъдий А. Ўзбек ёш шоирлари. Фитрат. / Туркистон. – 1923. – 10,12 декабрь; Афоқова Н. Жадид шеърят поэтикаси. – Т., Фан, 2005. – Б.48-50. Амонов Ш. Ҳамза шеърятининг манбалари, матний тадқиқи. Фил.фан.ном...дисс. – Т.,2010.

кенгайтиришга интилишди, бироқ, барибир, пировардида бармоқ янги шеърятнинг бош шеър тизими мақомида қарор топиб бораверди. Жадид ижодкорларнинг бармоқдаги илк машқлари мусиқийлик, хушоҳанглик жиҳатидан арузга тенглашолмаслиги шубҳасиз. Лекин бошқа томони, зикр этилган шоирларнинг арузда бемалол ижод қила олишлари ҳам шубҳа уйғотмайди.

Ҳамза айтмоқчи “қора эл”нинг тушуниши осон бўлиши учун жадид шоирлари онгли равишда образлиликни кейинги ўринга қўядилар – нарсалар ўз номи билан аталади. Негаки, сирасини айтсак, жадид шоирларнинг аксарият шеърлари мохиятан кенг оммага қаратилган нутқ – ваъздир. Шу сабабли ҳам жадид шеърятда образли ифодадан кўра риторик приёмлар муҳим аҳамият касб этади. Ўз вақтида рус ёзувчиси Салтыков-Щедрин одамлар юрагига ўт солишга кодир ҳақиқий нотиклар узоқ вақт зулм ҳукм сурган юртларда туғилади, деб таъкидлаган эди. Бунинг сабабини адиб зулм таъсирида йиғилиб қолган дарднинг тўғонларни кўприб ташқарига интилиши билан изоҳлайди⁵⁹. Жадид шоирларининг ҳолати, уларнинг оммага мурожаат қилишга мойиллигининг ижтимоий-психологик омилларидан бири ҳам шу. Риториканинг ёрқин намоёндаларидан бири Цицерон нотик олдида учта шартни қўяди: тингловчини ишонтириш, завклантириш ва ўз измига сола билиш⁶⁰. Нотик ишонтиришга далиллаш билан, завклантиришга услубнинг гўзаллиги ҳисобига, ўз измига солишга эса кучли эҳтирос ёрдамида эришади. Жадид шоирлар шеърини нутқ ирод этаркан, ишонтириш ва ўз измига солишга асосий эътиборни қаратадилар, завклантириш мақсади эса буларнинг соясида қолади. Натижада шеърнинг шаклий хусусиятлари, услуби ва тили ҳам шунга мувофиқ кўриниш олади.

Жадид шеърятда киноя муҳим ўрин тутати. Негаки, киноя нарса-ҳодисага одатланилгандан ўзгача – ностандарт қараш натижаси бўлиб, ўқувчи (тингловчи)ни ҳам беихтиёр ўзгача қарашга мажбур этади. Шунинг учун ҳам самарали усул сифатида киноядан нотикликда кенг фойдаланилади⁶¹. Маълумки, жадидлар халқимизга хос дабдабали қони исроф тўй-ҳашамларга қарши бўлганлар, машаққат билан топилган маблағни жойига сарфламасликни қаттиқ танқид этганлар. Қўлланган усуллар бунга ўзгача қарашга ундайди. Яъни риторик сўрок,

⁵⁹Салтыков-Щедрин М.Е. Избранные произведения. В 7 т., Т.5. – Москва: Гослитиздат, 1948. – С.244.

⁶⁰Об ораторском искусстве. – М.,1963. – С.34.

⁶¹Об ораторском искусстве. – М.,1963. – С.132.

қаршилантириш ва киноя воситасида худди шу қараш мухтасар тарзда, эсда қоларлик қилиб ифода этилган. Ҳамзанинг киноялари янада ўзига хос, улар аччиқлиги, захархандага бойлиги билан фарқланади:

Бойбаччалар семиринг, беини ўн беишга беринг,

Яҳудларни бой қилгоч, ётиб кесак кемиринг.

Ўқитманг ўғулни, етар ушбу тижорат. [II, 53]

Киноянинг антифразис шакли, яъни тескари маънода тушуниладиган жумлалар тузиш орқали фикрни ифодалаш ҳам нутқнинг таъсир кучини оширадиган воситалардандир. Худди шундай риторик усул яна Ҳамзанинг “Дунё керакмас эркон” [II, 51-52] шеърда ҳам қўлланган. Шеърдаги ҳар бир банд охирида банд мазмунига мувофиқ ўзгаришлар билан тақдорланадиган “Туронли ҳолингга балли...” олқиши билан бошланувчи қўш мисра ҳам киноя-антифразисдир.

Таъкидлаш керакки, мумтоз шеърятнинг ифодадаги аъёнларини давом эттирган ҳолда унга мазмуний янгиликлар киритишга интилиш ўзбек жадид шеърятининг илк босқичларига хосдир. Кейинроқ, жадидларнинг ижтимоий фаоллиги ортган 10-йилларнинг ўрталарига яқин шеърятда халқона оҳанг ва халқона ифодалар тобора кенгроқ ўрин эгаллай бошлайди. Негаки, давр кайфияти энди янгича ифодани янада ўткир тақозо этаётган, уни акс эттириш учун мумтоз шеърятдаги образларни мазмунан янгилашнинг ўзи камлик қилаётган эди. Эҳтимол, шунинг учундир, илк ижодида мумтоз шеърят аъёнлари доирасида қалам тебратган Ҳамза ҳам, Авлоний ҳам бу даврга келиб асосий эътиборни “миллий шеър”га қаратдилар. Ва шеърятда энди образдан кўра хитоб кўпроқ эътибор топа бошлади.

Ҳамза шеърятини худди драмалари сингари ўз даврининг кўзгусидир. Шоир ўзи яшаган ғоят мураккаб замоннинг долзарб муаммоларини шеърятини билан ҳам ҳал қилишга киришиб, гоҳ арузда, гоҳ янги бармоқ вазнида жуда самарали қалам тебратди. Энг муҳими, Ҳамза сўз воситасида жамиятга таъсир қилиш йўллари топи, халқ ва Ватанининг қамолига сўз билан хизмат қилди.

Хулоса сифатида шунини айтиш жоизки, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий янги ўзбек адабиёти пойдеворини қўйган забардаст асосчиларидан бири ва шундай бўлиб қолади.

2019-2021



ҚОДИРИЙНИНГ ХИЗМАТИ НИМАДА?..
(профессор У.Норматовнинг “Қодирий мўъжизаси”
китоби таҳлили мисолида)



“Қодирий мўъжизаси” улуғ ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирий ҳақида таникли адабиётшунос олим, профессор Умарали Норматовнинг шу чоккача битган тадқиқотлари орасида ўзининг мазмун кўлами, салмоғи ва аҳамияти жиҳатидан энг мукаммали, дейиш мумкин. Чунки бунда беназир носирнинг ижтимоий-сиёсий, ижодий ҳаёт йўли билан боғлиқ жудаям кўлаб маълумот-ахборот жамулжам этилган. Шунинг учун ҳам китоб муқаддимасида бир эмас, бир нечта йўналишга ишора қилувчи сўзлар тизилган: “Тадқиқот, қайд, суҳбат ва мулоҳазалар”. Демокчимизки, У. Норматов илмий бисотида ёзувчи билан боғлиқ тансиқ нимасики бўлса, борини азиз ўқувчи ила баҳам кўришга ҳаракат қилган. Қимматли маълумот ва фикр-мулоҳазалар устига домланинг адабиётшунослик бобида умри мобайнида орттирган тажрибаси қўшилган. Тўпламнинг фавқулотда мароқ билан мутолаа қилиниши шундан.

Қодирий ўзбек халқининг энг сеvimли адибларидан бири. Унинг асарларига у ёки бу тарзда ошно бўлмаган чинакам ўзбек кишиси кам топилади. Ёзувчи ва асарлари ҳақида қарийб бир асрдан бери баҳс-мулоҳазалар олиб борилади. Лекин буни қарангки, профессор Умарали Норматовнинг эътироф этишича, улуғ ўзбек ёзувчиси ва унинг асарлари борасида ҳали айтилмаган гап, ёзилмаган китоб, топилмаган информация тўлиб-тошиб ётибди экан: “Қодирий меросининг кўпгина соҳалари каби ёзувчи эстетик бисоти ҳам чуқур ўрганилган, чинакам баҳосини олган эмас” (“Қодирий мўъжизаси”, – Т., 2011, б.48).

Назаримда, ушбу тадқиқот билан батафсил танишиб чиққан ўқувчи Қодирийнинг ўзбек халқи маданияти тарихида тутган мислсиз ролини яна-да равшан тасаввур қила олади: “Ёзувчи “Ўтган кунлар”да ҳолис-объектив туриб, XIX аср ўрталаридаги Туркистон тарихининг, ўзбек халқи ҳаётининг ҳаққоний манзарасини беради, муҳим тарихий жараёнлари чуқур бадний таҳлил этади, даврнинг етакчи ижтимоий кучлари моҳиятини очади, ўша замон кишиларининг аҳвол-руҳияти, орзу-интилишлари, қувонч ва ташвишларини фавқулотда бир маҳорат билан ёрқин образлар орқали кўрсатади. Адиб асар ёзилган давр ҳукмрон мафкураси таъсирига, ўзининг ўша кезлардаги синфий майлларига берилмай, реализмнинг бош принциплари асосида реал ҳаёт қандай

МУНДАРИЖА

I. МОНОГРАФИЯ.

ЖАДИДЧИЛИК ВА АДАБИЁТИ

Исмоил Гаспринский.....	4
Абдурауф Фитрат	25
Хамза Ҳакимзода Ниёзий.....	39
Қодирийнинг хизмати нимада?	55
Абдулҳамид Чўлпон	64
“Кеча ва кундуз” романида жадидчилик ғояларининг ўзига хос ифодаси	72
Жадид шеърияти	82

II. ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ВА ЭССЕЛАР

Эстетик идеалнинг бадий моделлаштиришдаги ўрни хусусида	108
Мустақиллик даври ўзбек шеъриятининг ўзига хос хусусиятлари.....	116
Бадийлик мезонларининг умрзоқлиги.....	131
Таржима – кўнгил мулоқоти	136
Тадриж	153
Адабиёт – олдинда ёнган чирок	162
Зулфия ва зулфияхоним қизлари	186
Маталчи	194
Ёзиш нега қийин?	198

III. СОВЕТ ДАВРИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИГА БИР НАЗАР

Ойбек – буюк ва сермахсул ижодкор.	204
Янгиланган ижтимоий воқелик ва поэтик идрок (Ғафур Ғулом шеъриятига доир айрим мулоҳазалар).....	217
Лирик ҳарорат ва поэтик маҳорат (Ҳамид Олимжон шеърияти хақида сўз).....	222
Миртемир шеъриятига чизгилар	226
Шухрат. Ўтмиш меросини қандай баҳолаш керак?.....	233
Асқад Мухтор шеъриятининг ўзига хос хусусиятлари	245

IV. СОВЕТ ВА МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ АДАБИЁТИГА ДОИР

Теран мазмуннинг содда ифодаси (Тўра Сулаймон шеърияти тўғрисида).....	252
Машраб Бобоев портретига чизгилар	260
Шароф Бошбеков – ўзбек драматургиясида янги одим	269
Шеъриятнинг буюк йўлчиси (Рауф Парфи “Сўнгги видо” китобига ёзилган сўзбоши).....	280
Серқирра ижодкор (Нодир Норматов портрети).....	285

Қарздорлик ва умидворлик туйғуси (Ҳалима Худойбердиева ҳақида)...	291
Шоир – тузалмас ҳақиқатпараст (Шавкат Раҳмон шеърияти бўйлаб) ...	297
Қисмати – шоирлиги, шоирлиги – қисмати (Муҳаммад Юсуф ҳақида хотиралар).....	319
Мангу саволларга Навоий жавоблари (Абдулла Аъзамнинг “Аброрлар ҳайрати”ни ўқиб).....	327
Адабиёт жарчиси ва жангчиси (Иброҳим Ҳаққул ҳақида)	331
Бир шеър таҳлили (Матназар Абдулҳаким шеърига доир).....	341
Профессор сўнгги могоиканларданми? (Солижоновлар ҳақида)	345
Узлатдан хабар (Саъдулла Аҳмад тўғрисида).	349
Ҳаётга қўйилган ҳайкал (Олим Отахонни эслаб)	355
Яшар Қосим – адабиётимиз тадқиқотчиси ва тарғиботчиси.....	357
Илм мажнунларининг қадрига етаямизми!? (Сайфиддин Рафиддинов ижодига бир назар)	362
Куйларида ҳаёт нафаси (Бокий Мирзонинг “Наймиз, наво Ҳақдин келур” китобига сўзбоши)	367
Ўзидан из қолдирган шоир (Назар Шукур ижодига бир назар)	372
Авлиёхон Эшон шеъриятига чизгилар	380
Карим Баҳриевнинг “Дунё адабиёти антологияси”га чизгилар.....	385
“Теорема” тўғрисида тўлиқсиз тақриз (Темурбек Тўрабоевнинг тажрибавий тизмалари тўғрисида)	390
Жаннатни соғинган одам (Раҳимжон Раҳмат ҳаёти ва ижодига доир)....	392
Собир оғадан нима қолди? (Собир Ўнарни ёд этиб).....	413
“Ойдинбулок” ойдинлиги (Исажон Султоннинг илк китобига тақриз)	417
Рангларни тебратаётган шоира (Гўзал Бегим шеърияти ҳақида).....	424
Султон Қутуз сабоқлари (Шаҳодат Улуғ романига тақриз).....	428
Ҳикматлар изидан (Аёллар насри. Баҳор).....	433
Шивирловчи шеърят ҳайкириқлари (Зебо Нур шеърлари хусусида) ...	436
“Тул” ва “тош” билан кутиб олинган ижодкор (Тилланисо ижоди ҳақида мулоҳазалар).....	441
“Тонготар”га қачон етамиз? (Раҳшона Аҳмедованинг “Тонготар” романига тақриз).....	454

V. ЖАҲОН АДАБИЁТИГА ДОИР ТАҲЛИЛЛАР

Жаҳон адабиётининг замонавий муаммолари	462
Глобал дунёдаги йўлчи юлдуз (Жалолиддин Румийнинг “Маънавий маснавий” кўпжилдлик китобига ёзилган сўнгсўз).....	471
Томчиман бир... денгизга ташна (Жалолиддин Румийнинг “Етти мажлис” китобига ёзилган сўзбоши)	481

Пушкин даҳоси ва таржима хусусида.....	489
Виктор Гюго – катта юракли ёзувчи	495
Кичкинанинг катталарга насиҳати (Антуан де Сент-Экзюперининг “Кичкина шахзода” эртақ-қиссаси таҳлилига доир)	502
Жамият ичра самимият баҳоси (Альбер Камюнинг “Бегона” қиссаси таҳлилига доир).....	507
“Эврилиш” – замонавий кўзгу (Франц Кафканинг “Эврилиш” қиссаси таҳлилига доир).....	514
Инсон маъно билан тирик (Пауло Коэльонинг “Алхимик” романи таҳлилига доир).....	519
Ўлжас Сулаймонов ижодига чизгилар	525
Умид улашиш баҳти (Жан Доминик Боббининг “Скафандр ва капалак” асарига чизгилар)	535
Ўтиш даври – Озарбайжон адабиёти кўзгусида (Анорнинг “Сирли меҳмонхона” қиссасига ёзилган сўзбоши)	537
Глобаллашув даври араб шеърлятига бир назар.....	545
Ватанни юракларида олиб қетганлар (“Алвидо, Ватан” китобига тақриз)	552
Ҳақиқатга элтгич турфа йўллар (Герман Гессенинг “Сидхартха” романига тақриз).....	556
Замонавий хитой романчилиги: Юй Хуанинг “Яшамок” романига бир назар	565

VI. АДАБИЙ ГУРУНГЛАР

Танқидчи жамият виждони бўлмоғи керак

(Жовли Хушбоқ билан).....

Ижодий эркинликнинг тотли мевалари

(Раҳимжон Раҳмат билан).

Қиёфалар мазмуни (Санжар Назар билан).

Адабиёт – ботин тарихи (Шоира Дониёрова билан).....

Умидбахш адабиёт эҳтиёжи (Адиба Умирова билан).

Жаҳоний эврилишлар ва инсон (Саъдулло Қуроноф билан).

VII. ТАЛЪАТ СОЛИҲОВ МЕРОСИ

Дунёга қалби очик донишманд

Янгиланишлар аввалидаги олим.

Маърузалар.....

Улуғбек ҲАМДАМ

**ЎЗБЕК ВА ЖАҲОН
АДАБИЁТИГА ЧИЗГИЛАР**

*(Монография, илмий мақолалар,
эссе-такризлар ва маърузалар)*

Масъул муҳаррир:

Дилмурод Қуронов,
филология фанлари доктори, профессор

Такризчилар:

Бокижон Тўхлиев,
филология фанлари доктори, профессор,

Қурдош Қахрамонов,
филология фанлари доктори, профессор

Нашрга тайёрловчи: Муҳаммад Собир

Босмахонага 15.11.25 йилда берилди.

Босишга 03.01.26 йилда рухсат этилди.

Бичими: 70x100, "Times New Roman"

гарнитурасида

офсет босма усулида босилди.

Адади – 500 нусха. 190-сон буюртма.

"QAMAR MEDIA" МЧЖ босмахонасида
чоп этилди. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани,
Кушбеги кўчаси, 6-уй.

Мурожаат учун телефон:

+998946727111



Нега инсонга умид бериш мумкин эмас?

**Бир қатим нур илиниш шунчалар
қийинми унга? Дунёни зулмат босганда
ёруғлик ҳақида ёзмаслик, зиёни
тараннум этмаслик инсоният олдида
жиноят содир қилиш билан баробардек
туюлмаяптими сизга?..**

